



Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқаро-ларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

# Хабар

22  
(767)-son

1-iyun

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

## • Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! •

Япониянинг NTT DoCoMo компанияси шифокорлар, ҳамширалар ва соғлиқни сақлаш соҳасида ишловчи бошқа мутахассислар учун махсус мобил телефон яратиш устида иш олиб борапти.

Бу аппарат тиббиёт ходимларига ўзаро алоқа боғлашда хизмат қилишдан ташқари, зарур пайтда беморлар-

нинг касаллик тарихи ҳақида керакли маълумот олишда жуда қўл келади. Айниқса, беморларнинг уйларига бориб муолажа қиладиган шифокорларга бу уяли алоқа воситаси маъқул келиши тайин. Келгусида рақамли медицина маълумотларини юқори тезликдаги 3G-тармоқлар орқали олиш мумкин бўлади.

## BUGUN XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI



Кулгуларинг дунёни тўлдирсин,

# БОЛАЖОН!

Ўзбек болажон халқ. Аслида, ер юзидаги миллатларнинг барчаси ҳам фарзандини севади, улар учун қайгуради, улар учун ишлайди ва яшайди. Лекин халқимизнинг боласига бўлган меҳру муҳаббати барибир ўзгача. Ўзбек учун болаларнинг бегонаси йўқ. Бир болага етти маҳалланнинг ота-оналик қилиши ҳам фақат бизда. Дунёда болам деб яшайди ўзбек, деган сатрлар шунчаки ёзилган эмас...

4-БЕТ ➔

## Ушбу сонда:

### АЛОҚАЧИЛАР ҲИММАТИ

3-БЕТ ➔

### БУЛОҚБОШИ ПОЧТАСИГА «ДАМАС»

5-БЕТ ➔

### ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ

6-БЕТ ➔

### КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

11-БЕТ ➔

### САМАРҚАНД — ШАРҚ ГАВҲАРИ

16-БЕТ ➔



**UzNet**

Internet Service Provider

— сифат рамзидир

**Sarkor Telecom**

— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида кўра Фаргонанинг "Нефтчи" футбол жамоаси бош устози Юрий Вазгенович Саркисян ҳамда Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қўшоқович Қосимов "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотландилар.**

✓ **"Ўзбекистон" нашриётида Президент Ислам Каримовнинг "Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади" деб номланган китоби чоп этилди.**

Ушбу тўпلامдан давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ҳамда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ўрин олган бўлиб, уларда юртимизда 2000-2006 йиллар мобайнида турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан натижа ва кўрсаткичлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, шу асосда зарур сабоқ ва хулосалар баён қилинган.

✓ **Сеулда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоғидаги сармоявий имкониятлари мавзусига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда Кореянинг икки юздан ортиқ компания ва муассасаси вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Э.Ғаниев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этди.**

✓ **ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида "Самарқанд ва Маргилон шаҳарларининг жаҳон цивилизацияси тарихи ва маданиятидаги ўрни" мавзусида халқаро илмий конференция, ушбу тадбирга бағишланган кўргазма ҳамда Ўзбекистон савнати усталарининг концерти бўлиб ўтди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги делегацияси ҳам иштирок этди.**

✓ **Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Хивадаги "Ичан-қалъа" музей-қўриқонаси ҳамкорлигида тўрт жилдан иборат "Ичан-қалъа" албом-каталоги нашр этилди. Мазкур албом-каталогда "Ичан-қалъа"дан жой олган 54 минг экспонат ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумот берилган.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда фош этилмаган қасддан одам ўлдиришга оид жиноятлар юзасидан дастлабки тергов, тезкор-қидирув ҳамда бу борадаги прокуратура назоратининг аҳоли, шунингдек, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнда қабул қилинган "Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати родини кучайтириш тўғрисида"ги қарорининг ижроси ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқиш амалиёти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

✓ **Жиззахда "Миллий аънаналар қадри" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоятда истиқомат қилаётган ўзбек, рус, қозоқ, татар, қирғиз, тожик, озарбайжон миллатлари вакиллари, шаҳардаги маҳаллалар фаоллари иштирок этди. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган суҳбатда юртимизда барча миллатларнинг тенглиги, уларга аънана ва қадриятларини сақлашлари учун кенг имкониятлар яратиб берилгани ҳақида гап борди. Суҳбат сўнгида турли миллатларнинг куй-қўшиқлари янгради, рақслари ижро этилди.**



## Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар ва жойлардаги ҳокимият органлари раҳбарлари иштирок этди.**

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қабул қилинган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши, давлат кўмиталарида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонуни амалга ошириш натижалари батафсил таҳлил қилиниб, қоғозсиз ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Ушбу тизимни жамият фаолиятининг барча жаҳдаларига таъбиқ этишнинг ижобий томонлари, шунингдек, электрон ҳужжат айланишини янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш истиқболларига эътибор қаратилди. Электрон ҳужжат айланиши тизимларини бирхиллаштириш мақсадида миллий стандартлар қабул қилинишини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда масъул шахсларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятининг айрим туманларида электрон воситаларидан фойдаланган ҳолда молиявий ҳисобдорлик ва ҳисоб-китобни тақдим этиш тизимини шакллантириш ҳамда янада ривожлантиришга доир маърузалари тингланди. Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари кўриб чиқилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат кўмиталарининг корпоратив ва маҳаллий тармоқларининг ахборот хавфсизлиги мониторинги натижаларини ҳам муҳокама этди.

**Биринчи қўнғироқ ва битирув кечаси...**  
Мақтаб ва олий ўқув даргоҳларида аънана тусини олган ушбу тадбирларда ҳаммадан ҳам кўп ким қувонади? Эндигина мақтаб остонасига қадам қўяётган ўқувчимиз ёки битирувчи? Олий ўқув юрти талабаси бўлган ёшларми ёки қўлга диплом олган мутахассис? Назаримизда бундай ҳаяжонли дақиқаларда ота-оналар ва устоз-мураббийлар энг кўп қувонишади.



Тошкент ахборот технологиялари университетиде битирувчи магистрларга диплом топшириш маросимида ҳам ота-оналар, ўқитувчиларнинг хурсандчилиги шундоқ юз-кўзларида акс этиб турди.

Маросимни университет ректори С.Қосимов очиб, магистрларни магистрлик илмий даражаси билан табриқлади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, университет Васийлик Кенгаши раиси А.Арипов ҳам битирувчиларни мутахассислик дипломи олишлари билан қутлаб, мамлакатимизда ва мазкур университетда ёшларнинг билим олишлари учун яратилган имкониятлар ҳақида сўз юритди. Соҳа раҳбари битирувчиларга ҳаммасларим, дея мурожаат қилди. Ҳаётларининг энг қувончли дақиқаларида турган ёшларга омад тилаб, профессор-ўқитувчиларга захматли меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирди. Ўз навбатида, ота-оналар номидан сўзга чиққан Р.Ражабова, М.Зайнутдинова ҳамда битирувчи магистрлар Ш.Абдувоҳидова, М.Алимова, И.Матгазиев, А.Цўняклар ҳам университет педагогик жамоасига касб маҳоратларини аямай билим берганликлари учун ташаккур изҳор қилишди.

Тошкент ахборот технологиялари университетиде 1999-2000 ўқув йилида магистратура бўлими очилган эди. Утган вақт мобайнида 600дан ортиқ малакали мутахассислар тайёрланди.

Бу йил эса университетда 12та йўналиш бўйича 169 нафар магистр диссертацияларини мутахассисларга ўқув қилиб, магистр унвонига эга бўлди. Университетнинг иқтисод ва бошқарув, ахборот технологиялари, радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоинженерлик, телекоммуникация технологиялари факультетларида магистрлар тайёрланади. Жорий йилда мазкур ўқув даргоҳи факультетлар ичиде энг кўп ахборот технологиялари факультетини бешта йўналиш бўйича 89 нафар магистр таомлади.

Университетда магистрларнинг билим олишлари ва илмий фаолият олиб боришлари учун барча имкониятлар яратилган. Бугунги кунда катта фондага эга бўлган ахборот-ресурс маркази, виртуал лаборатория ишлари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхонадан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Тантанали маросимда бундан 36 йил муқаддам ушбу олий даргоҳни битирган собиқ талабалар ҳам иштирок этишди. Улар номидан сўзга чиққан Азлархон Тўраев, Кенесбой Ибрагимов, Ҳамидулла Жумановлар ёш мутахассисларга омад тилашди. Шундан сўнг битирувчиларга магистрлик дипломлари топширилди.

Хуллас, 169 нафар магистр катта ҳаётга йўланма олди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётганлар сафига кунгайратга тўлган ёш мутахассислар қўшилди.

Оқ йўл Сизга, магистрлар!

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

## Дийдорлашув



Тошкент ахборот технологиялари университетиде мазкур ўқув даргоҳини 1971 йили битирган собиқ талабаларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ҳозирда турли алоқа корхоналари ва бошқа муассасаларда меҳнат қилаётган 61 нафар алоқа ходимлари ва уларга таълим-тарбия берган ўқитувчилар иштирок этишди.

Сабқдошлар уларни таълим олган аудиториалар, лаборатория хоналарини кўздан кечиришди. Ўқитувчи-мураббийлар билан дилдан суҳбат қуришди. Битирувчи магистрларга диплом топшириш маросимида ҳам қатнашди. Соҳа раҳбарлари билан учрашиб, эсдалик учун суратга тушишди.

Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган тадбирда собиқ талабалардан — А.Жўрабоев, М.Жалилов, В.Пилипюк, К.Аҳмадалиев, М.Рустамова, М.Зияева, Ш.Ҳошимова, уларга сабоқ берган ўқитувчилар — Ш.Юнусов, Х.Қодирхўжаева, В.Сон, А.Кан, В.Баранюк сўзга чиқишди.

Улар талабалик даврининг энг қизиқарли воқеаларини эсга олишди, ҳозирда сафарида бўлмаган сабоқдошларини хотирлашди.

Аҳамиятисини, бундай катта учрашув ТАТУ собиқ талабалари ўртасида илк бора ўтказилди. Шунинг учун ҳам сабоқдошлар мазкур тадбирни уюштиришда бош-қош бўлган Т.Назаржонов, И.Тўрақуллов, А.Суворов, С.Бойдадаевларга алоҳида миннатдорчилик билдиришди.

Хуррид ОЛИМОВ

TADBIR

## БОЛАЛАРГА СОВГАЛАР

“Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида 1 июн — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кuni муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда болажонлар ўзлари тайёрлаб келган шеър, ашула, рақслари ва бошқа чиқишлари билан иштирок эттишди. Энг намунали иштирокчиларга қимматбахо совғалар берилди.

— Ҳар йили байрам арасида ана шундай кўнгилочар тадбирлар ўтказиш бизда анъанага айланган, — дейди филиал маънавият ва маърифат ишлари бўйича услубчиси Маҳмудхон Арипова. — Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, қорхонамиз ходимларининг 13 ёшгача бўлган болалари 150 нафарни ташкил этар экан. Уларга Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида дам олишлари учун жами 300 минг сўмлик чипта тарқатдик. Шунингдек, байрам арасида кўп болани икки оилага моддий ёрдам берилди.

Ўз мухбиримиз

## ПОЧТА ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Ислохотлар даврида почта хизматини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мутахассислардан катта маҳорат ва малака талаб этади. Бунинг учун ҳар бир ходимда изланиш ва астойдил интилиш бўлиши лозим. Айниқса, мавжуд имкониятлардан унумли ва тезкорликда фойдаланиш буғуннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали ходимларининг Денов ва Термиз шаҳарларида бўлиб ўтган семинар йиғини мавзуи шу масалаларга бағишланди. Семинарларда мутахассисларнинг маърузалари тингланди ва ўзаро тажриба алмашилди.

Нортожи ЗИЁЕВ

# Журналнинг нишона сони

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги янги нашр — “Ахборот коммуникациялар: Тармоқлар. Технологиялар. Ечимлар” деб номланган илмий-техник журналнинг биринчи сони нашрдан чиқди.

Журнал Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази муассислигида ташкил этилган бўлиб, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, почта алоқасини ривожлантириш муаммолари, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида курсатиладиган янги хизмат турларини жорий этиш масалаларини ёритиб боради.

“Ахборот коммуникациялар: Тармоқлар. Технологиялар. Ечимлар” журнали йилига тўрт марта чоп этилади. У 2008 йилдан бошлаб обуна бўйича тарқатилади ва чакана савдо шаҳобчаларида сотилади.



“ЎТМОЙ НИМОЯ ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

## Алоқачилар ҳиммати



Бундан икки йил муқаддам “Қорақалпоқ Телеком” филиали Хўжайли туман телекоммуникациялар боғамасида кабелчи-пайвандловчи бўлиб ишлаган Шамурат Нисанов автоалоқат туфайли ҳалок бўлган эди.

Яқинда телекоммуникациялар боғамасида жамоаси боғувчисдан айрилган Нисановлар оиласига сизир совға қилди.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ

## МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Бугунги кунда ҳаётимизнинг бош бўғини бўлмиш маънавият ва маърифатга эътиборни кучайтириш борасида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Республика маънавият-тарғибот маркази томонидан ташкил қилинаётган курслар ҳам бунга яққол мисолдир.

Шу йилнинг май ойида республикамиз вилоятларидан ташриф буюрган чегара қўшинлари ходимлари, матбуот тарқатувчи, геология ва бошқа соҳалар вакиллари ўн кун мобайнида маънавият тарғиботи бўйича сабоқ олдилар. Айниқса, Раҳимбой Жуманиёзов, Султонмурод Олим, Жумабой Раҳимов, Раҳмон Кўчкор, Висола Каримова сингари адабиётшунос, тарихчи, филолог олимларнинг маърузаларидан тингловчилар қўплай янги маълумот олдилар.

Тингловчилар, шунингдек, маънавият ва маърифат борасида ташкил этилган турли тадбирларда ҳам иштирок этдилар. Музейлар кuni муносабати билан Ўзбекистон Давлат тарихи музейидаги анжуман, Тошкент шаҳар Чилонзор туманида ўтказилган «Гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш» мавзусидаги илмий-амалий тадбир, Аброр Хидоятёв номидаги театрда ўтказилган атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллигига бағишланган йиғинлар машғулот қатнашчиларининг фикр доираларини янада кенгайтирди.

Курс сўнггида Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳошиматов тингловчиларга дипломлар топширди.

Восит АҲМАДХОНОВ,  
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

● HUDUDIY BOSHQARMALARDA

# Ўзгү режалар асосида

**Фарғона — юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири. Бу ерда бошқа тармоқлар сингари алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳам сезиларли ривожланиб бормоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида мухбиримиз Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Нурмуҳаммад ТУРГУНОВ билан суҳбатлашди.**

— **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори бўйича белгиланган вазифалар ижроси ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ўтган вақт мобайнида Фарғона шаҳри ҳамда туман марказларида умумий сизими 52300 рақамга тенг бўлган жами 18та ЗАТСлар тўла ишга туширилди. Шаҳар ва туман марказлари телефон тармоғини рақамлаштириш даражаси 100 фоизни, вилоят миқёсида рақамлаштириш эса 87 фоизни ташкил этди.

Йил давомида жами 6402та телефон ўрнатилди. Асосий телефон аппаратлари ўсиши 1620 донани ташкил этиб, уларнинг жами сони 129435га етказилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат телерадиодастурларини йўлдошли алоқа тизимлари орқали вилоятнинг чекка қишлоқларида истикомат қилувчи аҳолига етказиш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг “Эксимбанк”и томонидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига 13та ТВ ва 11та FM узаттич жиҳозлари вилоятимизга келтирилди. Телевидение сигналларини тарқатиш жиҳозлари ўрнатилгач, вилоятимиз аҳолиси 2006 йилнинг 8 декабридан буён миллий телеканал дастурларини тўлиқ томоша қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация тех-

нологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларнинг вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг локал компютер тармоғини ташкил этиш ишлари ниҳоятсизга етказилмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруқ ва фармойишларига асосан вилоятдаги инфратузилма объектларини алоқа воситалари билан таъминлаш мақсадида Марказий банк вилоят бошқармаси, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-ҳунар ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда қатор ишлар олиб борилди. Натижада 151та мини-банк, 93та касб-ҳунар коллежи, академик лицейларнинг барчаси, учта Мехрибонлик уйи, касалхоналар, поликлиникалар телефонлаштирилди. Мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктларини телефонлаштириш учун керак бўладиган алоқа кабеллари, симлари ва зарур маблағ миқдори ҳисоблаб чиқилиб, вилоят халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим этилди. Маблағ ажратиш масаласини марказлашган ҳолда кўриб чиқишни тақлиф этганмиз.

— **Вилоят алоқа соҳасида хизмат кўрсатишни янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар қай аҳволда?**

— Вилоятнинг 19та шаҳар ва туман марказларида ҳамда қатор қишлоқларда шаҳарларо ва халқаро алоқа хизмати кўрсатиш шаҳобчалари, 21та Интернет кафе ишлаб турибди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона

филиали почта тармоқларида почта жўнатмалари, пул маблағлари муҳофазасини кучайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, почта хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бордик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги «2010 йилгача почта алоқаси шаҳобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизини хизматларини янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларни бажара бориб, Фарғона филиалида электрон пул жўнатмалари тизими жорий қилинди, 69 дона электрон тарози, ортехника воситалари харид қилинди, мавжуд 290та почта алоқа бўлими юз фоиз телефон алоқаси билан таъминланди. Сўнгги икки йилда почта алоқаси тизимида иш жараёни компютерлаштирилди. Тизим янги локал тармоққа уланди.

Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритиш истағида бўлган 38та хўжалик юритувчи субъектга лицензия олиш тартиблари ҳақида тушунтириш бериб борилди ва 36та талабгорнинг ҳужжат ва аризалари кўриб чиқиш учун Агентликка тақдим этилди.

— **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Маъзур қарор ижроси бўйича Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказидаги мавжуд анжомлар, жиҳозлар ва бошқа моддий бойликларни қайта рўйхатдан ўтказиш, қабул қилиш ишлари бажарилиди. Агентлик томонидан ахборот-кутубхона маркази учун ажратилган 15 дона компютерни ўрнатиш, дастурий таъминот билан таъминлаш, локал компютер тармоғини яратиш, тармоққа улаш ишлари ташкил қилинди.

Ҳафиза САЛҲОВА  
суҳбатлашди

## ШИФКОРЛАР ХАВОТИРЛАНМОҚДА



АҚШ ва Жанубий Корея махсус хизматлари Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ирнинг соғлиги ёмонлашгани ҳақидаги маълумотни қўлга киритган.

"КХДР раҳбари Ким Чен Ирнинг саломатлиги шифокорларни жиддий хавотирга солмоқда", деб ёздаи Сеулда чоп этиладиган "Чосон илбо" газетаси. Манбада келтиришича, 65 ёшли етакчи юрак хуружи ва қандли диабетдан азият чекмоқда. Шу боис, у омма олдидидаги чиқишини кескин камайтирган.

Унинг саломатлиги ёмонлашганлиги ҳақидаги хабар авваллари ҳам бўлиб турган, ammo бу сафаргиси "жуда ишончли манбалардан" олинганлиги таъкидланмоқда.

## ПОРАХЎРГА ОЛИЙ ЖАЗО

Хитойда Озиқ-овқат ва дори-дармонлар масалалари бўйича давлат агентлигининг собиқ раҳбари ўлим жазосига ҳукм этилди.

62 ёшли Чжен Сяоюй пора олганликда ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилганликда айбдор деб топилди. У 2005 йили вазифасидан четлаштирилган эди. Собиқ раҳбар дори-дармонларни истеъмолга чиқариш ҳуқуқини берувчи рухсатнома эвазига етти йил давомида 650 минг долларлик пора олган.

## ВАКТИНЧАЛИК ПАСПОРТ НАЗОРАТИ

Германия шимолидаги Хайлигендам дам олиш масканда 6-8 июн кунлари бўлиб ўтадиган "катта саккизлик" саммити муносабати билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги чегараларда ҳамда Европа аэропортларида яна вақтинчалик паспорт назорати жорий этилади.

Федерал полиция расмий вакилининг айтишича, ушбу чоралар саммит кунларида аксилглобалчиларнинг норозилик чиқишларидан турли жиноятлар ва зўравонликларни амалга ошириш учун фойдаланиш пайда бўлган кишиларнинг Германияга суқилиб киришининг олдини олишга қаратилган.

Айни кунларда Германияда глобализмга қарши кучларнинг намоийши бўлиб ўтмоқда. Полиция тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида 24 кишини қамоққа олди.

## ТЕЛЕСТАНЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

Венесуэладаги "Radio Caracas TV" станцияси мамлакат президенти Уго Чавеснинг қоррига биноан ўз кўрсатувларини тўхтатди. Президентнинг фикрича, ушбу телеканал мамлакат хавфсизлигига дахл қилмоқда.

Ушбу қарордан норози бўлган аҳоли намоийш ўтказди. Полиция намоийшини тўхтатиш учун кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланди.

## КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Украина Олий Радаси шу йилнинг 30 сентябрида муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказиш юзасидан қонун лойиҳасини кўриб чиқишни бошлади.

Мазкур масала юзасидан мамлакат президенти, бош вазир ва Олий Рада спикери ўртасида келишувга эришилган. Спикер Александр Мороз яқин икки кун давомида сайлов ўтказиш бўйича барча керакли ҳужжатлар қабул қилинишига умид билдирди.

## ТУҒИЛИБОҚ ГАПИРДИ

Хитойда икки ойлик чақалоқ гапира олиши билан ҳаммани ҳайратга соляпти.



Чақалоқнинг онаси, пекинлик Вонг хонимнинг айтишича, фарзанди очқиқанида "Ойи, ойи" деб қақира экан. Бундан ташқари, чақалоқ Nai — хитойча "сут" сўзини ҳам ўзлаштириб олган.

Пекиндаги болалар шифохонаси шифокорларининг таъкидлашича, бу жуда ҳам кам учрайдиган ҳодисадир.

## Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир.

Ислом КАРИМОВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)



# Кулгуларинг дунёни тўлдирсин, болажон!

Мамлакатимизда фарзандлар келажаги учун қайғуриш туйғуси давлат сиёсати даражасига кўтарилганки, бугун бу борда эришган ютуқларимиздан, тажрибаларимиздан ҳатто ривожланган давлатлар ҳам ўрганмоқда. Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизу менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган ишларимизга дунё ҳамжамияти ҳавас билан қарамоқда. Бугун бизда бир вақтлардагидек қулоққа жуда совуқ ва мунгли эшитилувчи "Детдом"лар ўрнини Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари эгаллаганки, уларда ўзгача меҳр-оқибат, илиқлик ҳукмрон. Ҳукуматимиз томонидан Президентимиз бошчилиги ва ҳамхўрлиги остида ушбу масканлар тарбияланувчилари учун бор имкониётлар яратиб берилмоқда. Уларнинг жонжон Ватанимизга мос инсонлар бўлиб вояга етишлари учун ҳаракат қилинмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси ҳам баркамол авлод тарбияси, истеъдодли ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга меҳр кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айтиш мумкинки, жамғарма ушбу мақсадларни амалда муваффақиятли бажариб келмоқда.

— Мамлакатимизда ҳар бир болага алоҳида эътибор берилади, — дейди мазкур жамғарма директори Дилбар Олимжонова. — Она ва бола йили, Соғлом авлод йили, Ижтимоий ҳимоя йили давлат Дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 майдаги топшириғига биноан ишлаб чиқилган "Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури" ва бошқа қонун ҳужжатлари болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларни баркамол бўлиб вояга етказишга қаратилгандир.

Жамғармаимиз ҳам турли сабаблар билан ҳаёт синовларига юзма-юз келиб қолган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, хайрия тадбирларимиз 1 июн — Халқроқ болаларни ҳимоя қилиш кунини алоҳида аҳамият қасб этади.

Дарҳақиқат, ҳар йили 1 июнда жамғарма томонидан хайрия акциялари, концерт дастурлари ва кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. Тошкент давлат цирки билан ҳамкорликда уюштирилган "Соғлом авлод юлдузлари" хайрия концертига пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, васийликка олинган болалар, кам таъминланган оилалар ва хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийлар фарзандлари тақдир этилади. Ушбу хайрия акциясида эстрада юлдузлари ҳамда қўллаб болалар гуруҳларининг чиқишлари болаларга бир олам қувонч бағишлайди. Улар куй-қўшиқларга жўр бўлиб, дилдан завқ олишади. Бу ерга ташриф буюрган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари уларга ўз совғаларини топширишади.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари, "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ва тегишли вазирлиги билан ҳамкорликда "Тошкент-Ленд" болалар истироҳат боғида ўтказиладиган хайрия тадбири, Ўзбекистон бадиий академияси, Халқ таълими вазирлиги ва "Болалар" жамғармаси билан ҳамкорликда мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасидаги "Ер кўрасида тиқлик" расмлар кўрик-танлови ҳам жамғарма ташкил этаётган асосий тадбирлардандир.

Умуман олганда, бу каби ишлар фақат болалар кунини эмас, балки йил бўйи ўтказилади. Масалан, жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида жамғарманинг тиббий-ижтимоий кўма бригадалари ходимлари маҳалла хотин-қизлар кўмитаси аъзолари билан биргаликда болалар ва ўсмирлар учун тиббиётдаги долзарб мавзулар ва муаммолар ҳақида давра суҳбатлари уюштирилди. Уларда "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Репродуктив саломатлиқни сақлаш, соғлом оилани шакллантириш", "ОИТС нима?", "Наркомания ва унинг асратлари", "Тенгдошим, сен учун" каби мавзуларда маърузалар ўқилди. Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида жой-

лашган 16та умумтаълим мактабининг тўрт минг ўқувчи қизлари ўртасида эса "Бўқоқ касаллигининг олдини олиш", "Камқонлик нима?" мавзуларида суҳбатлар ўтказилиб, уларга мавзуларга оид тарқатма материаллар ҳамда "Микройодид-100" препаратлари тарқатилди.

Жамғарма томонидан Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Андижон ва Фарғона вилоятлари Мурувват

уйлари учун Туркиянинг ривожланиш ва тараққиёт агентлиги — ТИКА ҳомийлигида спорт жиҳозлари, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказига 730000 сўмлик велотренажёр, югуриш йўлакчаси тақдим этилди. Жамғарма филиаллари орқали эса республикамизда сил касаллиги билан оғриган болаларни даволаш муассасаларига 1697270 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига "Синерцин-IV" антибиотик дори воситалари, Сирдарё вилояти Бобўев туманидаги 69-ёрдамчи мактаб тарбияланувчилари учун 600 донага яқин кийим-кечак топширилди.

Шунингдек, иқтидорли болаларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун республика мусика мактаблари ўқувчилари иштирокида "Болалар мусика фестивали" ўтказилди. Ушбу тадбирда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий мусикамизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий чолғу асбоблари билан шуғулланишни тарғиб қилиш мақсадида пойтахтимиздаги 9-сонли ҳамда Бекobod шаҳридаги 11-сонли болалар мусика мактабларига 4000000 сўмлик ўзбек миллий чолғу асбоблари тақдим этилди.

Жамғарма Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқроқ ташкилоти грант маблағи доирасида жорий йилнинг тўрт ойи давомида жами 45 нафар туғма лаб-танглай нуқсон бўлган болаларни операция орқали даволашга бош-қош бўлди. Бундан ташқари, Германиянинг юқоридидаги халқроқ ташкилоти билан ҳамкорликда бемор болаларни Германия клиникаларида даволаш борасидаги фаолиятини давом эттирмоқда. Бугунги кунда 9 нафар бола ушбу мамлакатда даволаниб қайтди, 18 нафари даволанмоқда.

Ушбу мисоллар республикамизда болаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг бир қисми, холос. Муҳими, улар қалбиди эртанги кунга бўлган ишонччи мустаҳкамлашда, бу оламда ёлғиз эмасликларини англаштиришда. Ҳар биримиз уларнинг юзларига табассум индира олсак, кўзларидида қувонч порлати олсак, демак бесама рашамаётган бўлаемиз.

Кулгуларинг дунёни тўлдирaversин, болажон!

Усмонжон Йўлдошев,  
"Xabar" мухбири  
usmonjon@vandex.ru

## Мукофот муборак устоз!

7 май Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси учун чинакамига байрам бўлди.

Сабаб, мазкур университетнинг бир гуруҳ ўқитувчилари каторида ахборот технологиялари факультети декани ўринбосари Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўз касбининг устаси» белгиси билан тақдирланди.

Устоз касбини ардоқлаб, ҳамиша севиб, касб маҳорати сирларидан сабоқ бериш билан бирга факультетда талабаларнинг ўқув машғулотларига фаол қатнашиб боришларини назорат қилади. Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олган Шавкат ака иқтидори, етук ақлий салоҳияти билан мана шу даргоҳда ишлаб қолди. Оддий ходимликдан катта ўқитувчиликкача бўлган йўлларни босиб ўтди. Узага хос усул ва услубга эга устозга берилган бу мукофотни чин дилдан муборакбод этди. «Инсон комиллика эришиши йўлида унга берилган рағбат ва ишонч орқали юксалиб бораверади» дейилган сўз замирида ҳақиқат мужассам. Ш.Худойберганов мана шундай ақида билан яшайди. Устозимизни келажақ авлод камоли йўлида олиб бораётган эзгу ишлари ҳамиша бароридан келишини, элу юрт, Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилишдек шарафли ишларида ривож тилаймиз.

Бир гуруҳ талабалар

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

**Зиёдахон Навоий шахрида туғилиб ўсди. Бахтини ҳам шу шаҳарда топди. У келин бўлиб тушган хонадон қизи Олия Қосимова вокзал ҳудудида жойлашган алоқа бўлимида оператор бўлиб ишларди. Қайнопасининг таклифи билан Зиёдахон ҳам почтага ишга келди.**

Фаолиятини шаҳардаги 6-алоқа бўлимида 1987 йили операторликдан бошлаган Зиёдахон Йўлдошова кунт ва сабот билан ишга киришди. Почта хизматини ўрганиш баробарида ўзининг хушмуомаласи, ишчанлиги, ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашиши туфайли тез орада ҳамкасблари орасида хурмат ва эътибор қозонди. Шаҳардаги иш ҳақи юқори, бир қатор имтиёزلарга эга бўлган ўнлаб корхоналарда ишлаш имкониятлари туғилган чолларда ҳам Зиёдахон почтани тарк этмади. Чунки, у бу касбга алақачон меҳр қўйиб улгурган эди. Меҳнатидан мамнунлик унга янги куч ва ғайрат бағишларди. Элга манзур хиз-

## Меҳнат саодати

матлари зое кетмади. 1993 йилда 1-алоқа бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашганида, у кутилмаган ишонч кувончини ҳис этди. Авваллари оператор сифатида ўз иши учун жавоб берган бўлса, энди бутун бошли алоқа бўлимининг кувончу ташвишига, камчилик ва ютуқларига масъул эди. Роппа-роса ўн тўрт йил шу бўлимни бошқариб, уни намунали алоқа бўлимига айлантиришга эришди. Шу йиллар давомида кексаларга мадад, ногиронларга ҳамдард

бўлишдан, аскар ўғлидан мактуб кутаётган интизор оналарга севинч улашишдан чарчамади. Оиласида бирин-кетин уч ўғил туғилиб, камолга етди. Турмуши тинч, фарзандлари соғлом онанинг кўнгли хотиржам бўлади. Кўнгил хотиржамлиги эса ҳар қандай мақсадга эришиш учун чинакам қанотдир.

Ўтган йил Зиёдахон Йўлдошова учун яна бир синов

бўлди. Уни янги 8-алоқа бўлимига бошлиқ этиб тайинлашганида, 14 йил бирга ишлаган жамоасидан, етти яшардан етмиш яшаргача нафақат чехраси, балки орзу-армонлари ҳам таниш ва қадрдон бўлиб қолган одамлардан кўнгил узолмади.

— Соҳада йигирма йилдан буюн меҳнат қилаётганлигим сабабли, — дейди З.Йўлдошова, — янги бўлим ҳам менга бегона эмасди. Бозор ёнида жойлашганлиги учун доимо гавжум бўлишимизга шаҳарнинг

вокзал, Гулистон ҳудуди, Умид кўрғонидан келувчи фуқаролар газ, электр энергияси, телефон тўловларини ҳам тўлашга ўрганган. Узинизга тегишли Халқлар дўстлиги, Энергетиклар, Булат, Фалава ва Ибн Сино кўчаларига қарашли 52та кўп қаватли уйлар аҳолисига хизмат кўрсатамиз. Ҳар ойда 1200 нафар пенсия олувчиларга нафақани ўз вақтида тарқатиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Энг аввало, ногиронларга, яқка-ёлғизларга хизмат кўрсатилади. Газета-журналлар, хат-хабарлар, телеграммаларни ўз мuddатига эгаларига етказиш масъулияти ҳам жамоамиз зиммасида. Кўп миллатли турфа одамлар билан тил топишиши, улардан миннатдорчилик эшитиш илинжида тиним билмаймиз. Почтачиларимиз Гуласал Абдиева ва Лола Абдуллаева-лар ёрдамида ҳаммасига улгуряпмиз.

Меҳнат бахти ва саодати билан яшаётган ана шундай камтарин, оддий касб эгаларига хизматлари ҳамиша шараф келтирсин.

Маруса ҲОСИЛОВА,  
«Xabar»нинг Навоий  
вилоятидаги мухбири

## Булоқбоши почтасига «Дамас»

**Жонажон республикамик мустақил бўлгандан буюн почта алоқасига ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Корхоналаримизга келтирилган янги компютер, модем ва бошқа технологиялар почта ходимларининг яқин кўмакчисига айланди.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан хабарчиларга берилган уст-бош, оёқ кийим, велосипед берилганлиги ишчи-хизматчиларимизни янада руҳлантириб юборди.

Тармоғимиз Булоқбоши туманининг 110 мингга яқин аҳолисига сифатли почта хизмати кўрсатиб келмоқда. Жо-



рий йилда жамоамиз матбуот нашрларига обуна ташкил қилишда Андижон филиали алоқа тармоқлари орасида фахрли 2-ўринни эгаллаб, қимматбахо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, обуна қилинган газета ва журналларни туман аҳолисига вақтида етказиб бериш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳамда Андижон филиали томонидан тармоғимизга «Да-

мас» русумли автомашина берилди. Бундай эътибор ва ғамқўрлик учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳамда филиал маъмуриятига меҳнат жамоамизнинг чексиз миннатдорчилигини билдираемиз.

**Маҳаммадвали ОРЗИЕВ,  
«Ўзбекистон почтаси»  
ОАЖ Андижон филиали  
нинг Булоқбоши почта  
алоқаси тармоғи бошлиғи**

ния монтаж сифатида фаолият кўрсатди.

Орадан етти йил ўтиб, 1950 йилда Қаршига қайтди. Аввал такси саройида диспетчер, 1963 йилдан Қарши шаҳар алоқа тармоғида монтаж бўлиб ишлади. Кейинчалик участка бошлиғи этиб тайинланди.

1985 йилда нафақа ёшига етган А.Жалилов 1990 йилгача алоқа тармоғида диспетчерлик қилди. Бугунги кунда отахон жамоат ишларининг фаол ташкилотчиси, Қарши шаҳридаги Со бир Раҳимов номидagi маҳалла фахрийлари кенгаши раиси.

Вилоят алоқа соҳаси ривожига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшган Суннат Абдуллаев, Шеркул Сафаров, Уроқ Азизов, Холмурод Умаровлар Аҳмад Жалиловнинг муносиб шоғирдларидан.

Қашқа воҳасининг ҳар бир қарич ери, туپроғи Аҳмад ота учун жондайн азиз. Аҳмад ота ва у кишининг сафдошлари кейинчалик ўзлаштирилган

## «UNITEL» ТЕРМИЗДА...

«Unitel» МЧЖнинг Термиз шаҳрида ҳам хусусий савдо ва хизмат кўрсатиш офиси фаолият бошлади.

Очилиш маросимида компаниянинг тижорат ишлари директори Евгений Скрипник сўзга чиқиб, Термизда «Билайн»нинг навбатдаги офиси очилиши компания фаолиятидаги жуда муҳим қадам эканлигини ва эндиликда сурхондареликлар ҳам «Билайн»нинг хизматидан тўлақонли фойдаланишлари мумкинлигини ташкиллади.

Термиздаги фахрий абонент сифатида Қувондиқ Мадартов танланди. У 25 йилдан ортик давр мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат қилган. Қувондиқ Менгнбёзович фаолияти давомида 2000дан ортик жарроҳлик операцияларини амалга оширган. Айни пайтда у Республика тиббий «Тез ёрдам» илмий маркази Сурхондарё вилояти филиали директори лавозимида меҳнат қилмоқда. «Unitel» компанияси унга замонавий телефон ва уяли алоқадан бепул фойдаланиш имкониятини тақдим этди.

Анъанага қура, Термиз шаҳридаги офис очилиши кунинда «Unitel» компанияси Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига «Тез ёрдам» машинасини совға қилди.

янги ерларга алоқа линиялари тортишда муносиб хизмат қилганлардан.

Вилоятдаги алоқа корхоналарида қандай тадбир бўлмасин, Аҳмад Жалилов давраларининг фазилга фазил қўшади. Узининг 82 ёшини қарши олган фахрий алоқачи бундан беҳад хурсанд бўлади, шундай кунларга етказганига шукроналар айтади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
«Xabar»нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири

## ФАХРИЙЛАР — FAXRIMIZ

## Нурларга, гулларга бурканган умр

Умр инсонга бир марта бериладиган энг олий неъмат, Яратганнинг буюк марҳамати. Умрни қандай ўтказиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Аҳмад ота ҳақида ўйлаганимизда, бу инсонга хос бўлган фазилатларни номна-ном айтиб чиқсак-да камдек туюлади. Саксон йилдан ортик умри давомида элим, юртим деб яшаган фидойи бу инсоннинг умр йўллари нурларга, гулларга бурканган десак, муболага бўлмас. Аҳмад ота яхшилик қилиб, яхшилик учун яшади.

Аҳмад отанинг болалиги таҳликали йилларга тўғри келди. Отаси новвой бўлиб, беш нафар фарзанднинг ризку насибаси шу меҳнат ордидан эди.

Ёш Аҳмад Қаршининг кенг дала-қирлариде мол боқди, чўпонлик қилди. Одатда, чўпонлар отар ёнида най чалиб ўтиришни хуш қўришади. Буну қўриб най чалишга иштиёқи орди. Отаси унга най сотиб олиб берди. Най чалиши самарасиз бўлмади. Вақти келиб, у мусиқали драма театрида созандалар гуруҳига ёрдамчи бўлиб ишга кирди. Кўп ўтмай уруш бошланди. Эндигина 17 ёшга кирган Аҳмад Жалилов ҳарбий хизматга чақирилди. Ушанда 1943 йилнинг баҳори эди.

Самарқандда захирадаги полк тайёргарлик машқларида иштирок этиб, орадан кўп ўтмай фронтга жўнади. Даст-

лаб Москва остонаси, кейинчалик Литва-Латвия чегараларида бўлган жангларда қатнашди. Беларус қишлоқларини фашистлардан тозалашда фаол иштирок этди.

Аҳмад Жалилов 29-ўқчи дивизия тарихидаги алоқа ротасида хизмат қилди. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида кўлланиладиган алоқа воситалари билан ишлашни қисқа вақтда ўрганиб олди. Уруш тугагандан кейин ҳам ҳарбий хизматда қолди. Уша вақтда кўллана бошланган ТАИ-43 (индукторли телефон апарати)ни ишлатиш тартибини хизматга энди чақирилганларга ўргатди. Дивизия штабидан то полккача бўлган алоқани тикловчи ли-

# Учитывая ускорения темпов

28 мая 2007 года в г. Юрмала (Латвийская Республика) состоялось 37-е заседание Совета глав Администраций связи Регионального содружества в области связи (Совет РСС).

В заседании приняли участие делегации полноправных членов РСС: Администраций связи (АС) Азербайджана, Республики Армении, Республики Беларусь, Грузии, Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Республики Молдова, Российской Федерации, Республики Таджикистан, Туркменистана, Республики Узбекистан, Украины, наблюдателей РСС: АС Латвийской Республики, Республики Словения, АО «Эсттелеком» и «Эстпочта» Эстонской Республики, МОКС «Интерспутник», а также представители Международного союза электросвязи (МСЭ), Всемирного почтового союза (ВПС), Исполнительного комитета СНГ, СЕРТА, Агентства электронных коммуникаций Македонии и Национального агентства связи Кыргызской Республики.

Свою работу Совет РСС начал с обсуждения заявления Международной организации космической связи «Интерспутник» о вступлении в РСС. На основании регламентирующих документов РСС организация была принята в РСС в статусе наблюдателя.

Далее участники заседания приступили к рассмотрению вопросов взаимодействия АС РСС по подготовке к международным мероприятиям МСЭ и реализации заключительных документов прошедших ранее конференций.

На заседании обсуждена и одобрена работа по выполнению Плана подготовки АС РСС к Всемирной конференции радиосвязи 2007 года (ВКР-07), результатом которой явилась подготовка Общих предложений РСС на Конференцию. Советом РСС поддержаны кандидатуры АС Азербайджана, Грузии, Молдовы, России и Украины на руководящие посты ВКР-07. Принято решение на заключительной стадии подготовки к Конференции проводить работу по информированию других региональных организаций о позиции РСС по пунктам повестки дня предстоящей ВКР-07, а также продолжить взаимные консультации делегаций АС РСС во время ее работы.

Совет РСС, учитывая необходимость ускорения темпов внедрения цифрового радиовещания в странах участников РСС, поручил Исполкому РСС подготовить предложения о проведении семинара по вопросу внедрения цифрового радиовещания с участием Бюро радиосвязи и Бюро развития электросвязи МСЭ.

Рассмотрев вопрос о подготовке АС РСС к Всемирной Ассамблее по стандартизации электросвязи 2008 г. МСЭ (ВАСЭ-08) и отметив, что заключительные решения ВАСЭ-08 окажут влияние на формирование технической политики развития служб электросвязи, Совет РСС счел целесообразным проведение консультаций и обмена мнениями с целью подготовки Общих предложений РСС к ВАСЭ-08. Соответствующим Комиссиям РСС поручено представить очередному заседанию Совета РСС на утверждение План подготовки АС РСС к ВАСЭ-08.

Советом РСС отмечено, что Администрации связи уже развернули подготовительную работу к 24-му Кон-

грессу ВПС. Эта работа осуществляется с учетом накопленного опыта совместной подготовки к международным форумам и необходимостью координации позиций по защите национальных интересов, укреплению роли РСС на международном уровне. Рабочим органам РСС по почтовой связи поручено подготовить Общие предложения РСС на Конгресс. Совет также рекомендовал участникам РСС принять активное участие в работе форумов «Почтовая тройка-2007» и Конференции РСС «Будущее развитие почты», на которых состоится обсуждение сценариев развития почтового сектора до 2012 года.

С большим вниманием участники заседания заслушали опыт АО «Казпочта», ФГУП «Почта России» и АО «Эстпочта» по привлечению инвестиций для развития почтовой связи. Совет рекомендовал участникам РСС, в целях создания развитой и конкурентоспособной почтовой инфраструктуры, активнее проводить политику заимствования долгосрочных ресурсов среди национальных и международных финансовых институтов развития и осуществления эмиссии долговых ценных бумаг собственных предприятий и др.

Принимая во внимание продолжающееся реформирование отрасли связи Совет утвердил «Положение Комиссии по координации деятельности органов регулирования в области связи в РСС».

Участники заседания обсудили вопросы, касающиеся внутренней деятельности Содружества.

В соответствии с регламентирующими документами Совет РСС принял ООО «Транзин Телеком» (Кыргызская Республика) и Ассоциацию CDMA-450 (Российская Федерация) в качестве ассоциированных членов Совета операторов электросвязи.


Своим решением Совет РСС утвердил назначение Председателем Комиссии РСС по электросвязи заместителя Министра транспорта и коммуникаций Республики Таджикистан Б.И.Зухурова.

Заслушав Отчет о работе Исполкома РСС за 2006 год, Совет отметил успешно проведенную работу по подготовке позиций АС РСС и взаимодействию участников Содружества на мероприятиях международных организаций, по координации политики развития связи на базе передовых информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), по созданию и внедрению сетей следующего поколения, выпуску Статистического сборника за 2005 год, информационному обеспечению участников РСС и т.п.

Очередное, 38-е заседание Совета РСС решено провести в г. Астана, Республика Казахстан, в конце ноября 2007 года.

На заседании участвовала делегация Республики Узбекистан во главе первого заместителя генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.Избосаров.

29 мая 2007 года в городе Юрмала (Латвийская Республика) было проведено 11-е заседание Координационного совета государств-участников СНГ по информатизации при Региональном содружестве в области связи (РСС).



В заседании Координационного совета приняли участие делегации национальных органов по информатизации Республики Армения, Грузии, Республики Беларусь, Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Республики Молдова, Российской Федерации, Республики Таджикистан, Республики Узбекистан и Украины, а также представители МСЭ, ВПС, АС Азербайджанской Республики, Латвийской Республики, Министерства экономики и коммуникаций Республики Словения, АС Туркменистана, АО «Эстонская почта» и Исполкома СНГ.

Заседание вел Председатель Координационного совета, Министр информационных технологий и связи Российской Федерации Леонид Рейман.

На заседании Координационного совета был рассмотрен ход выполнения

мендовали в установленном порядке направить эти документы для утверждения Советом глав правительств государств-участников СНГ.

Координационным советом рассмотрено выполнение проектов по созданию «электронного правительства» в Республике Беларусь, Кыргызской Республике, Российской Федерации. При рассмотрении данного вопроса на заседании Координационного совета присутствовал Министр по особым поручениям по делам электронного управления Латвийской Республики Ина Гуделе, которая представила информацию о работах по созданию «электронного правительства» в Латвийской Республике. Членами Координационного совета решено подготовить предложения по основному подходу к обеспечению совместности стандартов сбора, хранения, доступа к информации и осуществления документооборота на межгосударственном уровне.

Признан целесообразным дальнейший обмен информацией по вопросам обеспечения общедоступности государственных информационных ресурсов и создания условий для эффективного

## Эффективные методы взаимодействия

Плана действий по реализации Стратегии сотрудничества государств-участников СНГ в сфере информатизации, утвержденных Советом глав правительств СНГ 24 ноября 2006 года, включая Межгосударственную программу создания сети информационно-маркетинговых центров, проект по созданию совместимых телемедицинских консультационно-диагностических сетей стран участников РСС и сотрудничество государств-участников СНГ в области внедрения информационных систем паспортно-визовых документов нового поколения. Участники совещания в основном одобрили реализацию мероприятий Плана действий.

Участники заседания были ознакомлены с программами по созданию и функционированию парков информационных технологий в государствах-участниках СНГ, и рекомендовали продолжить обмен опытом по данному вопросу, включая создание в государствах условий, стимулирующих поддержку развития отрасли информационных технологий. Координационным советом было поручено Исполкому РСС обобщить предложения участников совета по созданию при нем постоянного действующего органа по вопросам взаимодействия ИТ-парков в странах СНГ.

На заседании была представлена информация о мероприятиях, проводимых в государствах-участниках Координационного совета по обеспечению информационной безопасности. Представители предприятий из Российской Федерации и Республики Молдова представили совместный проект по организации юридически значимого защищенного информационного обмена. Республика Узбекистан поделилась результатами исследований в области использования электронной цифровой подписи.

Участникам Координационного совета было рекомендовано организовать работы по созданию пилотных зон межгосударственного защищенного информационного обмена на двусторонней и многосторонней основе. Присутствующие также одобрили доработанные проекты Концепции сотрудничества государств-участников СНГ в сфере обеспечения информационной безопасности и Комплексного плана по ее реализации и реко-

взаимодействия органов государственной власти с гражданами и хозяйствующими субъектами. Участникам заседания были продемонстрированы представляемые в Республике Молдова электронные услуги.

Координационным советом были рассмотрены социально значимые проекты по применению ИКТ для развития в сфере образования («электронное образование»), реализуемые в государствах-участниках СНГ. Одобрены опыт Администрации связи Российской Федерации по созданию системы «Электронный университет». Комиссиям РСС по информатизации и по развитию людских ресурсов поручено организовать в 2008 году совместно с национальными органами по информатизации исследование систем дистанционного образования в странах СНГ и выработку рекомендаций по применению наиболее эффективных методов их взаимодействия.

Участники заседания отметили актуальность создания технологической платформы информационного обмена по вопросам миграционного контроля и приняли решение о формировании предложений по развитию сотрудничества в данном направлении.

В ходе заседания была организована экспозиция, демонстрирующая практическое применение ИКТ для развития государственного управления, социальной сферы и решений в сфере обеспечения информационной безопасности.

Участниками Координационного совета было отмечено, что рассмотренные на заседании проекты являются важной составляющей процесса формирования информационного общества, и будут способствовать повышению экономического потенциала и развитию интеграционных процессов в странах Содружества.

Очередное, 12-е заседание Координационного совета решено провести в Республике Казахстан в конце ноября 2007г.

На заседании Республику Узбекистан представляла делегация во главе первого заместителя генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.Избосаров.

# Хабарлар + TV

2007-йил, 1-июн  
22 (767)-сон

## ДУШАНБА — 4 ИЮН

### OTZHEBOSTON

Хўраёна телекомпаниясида!  
Профессионал муҳаббатни биздан душанба, 4 июн кўни "OzheboSton" теледиққоқини ўз қўрулуварини сонг 14.55 дан бошлаётимиз!  
14.55 Қўрулувар дастури  
15.00 "Тавқизиёв"  
15.45 "Ватанларим"  
"Бозлар сайрағи"  
16.45 "Эртасиз - яхшиликка етасиз"  
17.00 "Абборот"  
17.15 Оттин мерос.  
17.25 "Юртни бўйлаб" дастури: "Аёз қала"  
17.40 "Маршан - 2007"  
17.45 "Ҳаётлар доғизини ўра", 1-қисм.  
18.05 "Оқишлар оқиш"  
18.15 "У-жақсонни аёли"  
18.35 "Минг бир ринкет"  
18.40 "Оқиш" Телесернал  
19.10 "Сўзгени адолатлигиди"  
19.15 "Монзи но бахш хабарлари"  
19.20 Дунё изидини.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эъланлар  
19.30 "Абборот" (рус тилида)  
20.05 "ТВ шафқор"  
20.10 "Оқиш рипталари" Телесернал премьераси (Туркия)  
20.50 Дунё изидини.  
21.00 "Абборот"  
21.40 Бракни мангир.  
22.00 "Икки таксир" Телесернал премьераси (Хундистан)  
22.50 "Қўшиқмакт: муҳаббат" (SMS, Оқиш берши)  
23.00 Миллини сервис: "Бобур".  
23.40-23.50 Тунги навабар  
"Ўзбекстан"  
23.50 Қўрулувар дастури.  
24.00 "Юртни бўйлаб" дастури: "Хива", 00.15 "Чемпион сирлари", 00.35 "Муҳаддас қўшиқмакт"  
00.55 Дунё изидини.  
01.00 "Абборот" Информацион дастур (рус)  
01.30 Оттин мерос.  
01.40 "Энгил кўл" Информацион дам олинди дастури.  
02.40 "Шошмақим". Муслини филми.  
03.45 "Ўлет навабарлари"  
03.55 Дунё изидини.  
04.00 "Абборот" Информацион дастур.  
04.55 "Юртни бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралиғиди"  
05.00 "Маршан - 2007".  
05.05 "Минг бир ринкет".  
05.05 Миллини сервис: "Бобур".  
17.00 Х/ф "Две жизни".  
19.00 Киномания.  
20.00 Х/ф "Огненное кольцо 3: Узар  
лыя".  
22.00 Х/ф "Что скрывает Лох-Несс".  
00.00 Т/с "Сумеречная зона".  
01.00 Х/ф "Эксперимент".  
03.15 "Другое кино".  
03.30 Х/ф "Алиса в городах".



04.45 Т/с "Любовь и тайны Сансет  
Бич".  
05.30, 12.30, 18.00 Такси.  
06.00 "Глобальные новости".  
06.05, 18.30 Москва: инструкция по  
применению.  
06.30 Звезда против кароке.  
07.20 Век НУ-Тест.  
08.00 Нана спешит на помощь.  
09.00, 17.00 Т/с "Счастливы вместе".  
10.00, 10.30, 11.00, 11.30, 12.00 М/с.  
13.00 Т/с "Саша + Маша".  
14.00, 20.00, 23.55, 00.25 "Дом 2".  
15.00 Концерт "Дискотека 80-х".  
19.00 "Необычно, но факт" -  
"Фантастические деньги".  
21.00 "Комеди Клуб".  
22.00 "Наша Россия".  
22.25 "Смех без правил".  
01.25 Комедия "Жизни в красном".



5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.35 "Ахборот".  
8.40 Оттин мерос.  
"Болалар сайёраси".  
8.50 "Гаройиб тўти "Подан".  
Болалар учун фильм.  
10.20 "Саломатлик сирлари".  
10.40 "Одунрабо".  
11.20 "Оила рингалари", Телесериал.  
12.00 "Сиз кутан учрашув".  
12.40 "CINEMA.UZ".  
13.05 "Биринчи ришар". Бадий фильм. 1-қисм.  
14.15 "Биринчи ришар". Бадий фильм. 2-қисм.  
15.15 "Одний ҳақиқатлар". Тоқ-шоу.  
"Болалар сайёраси".  
16.05 1. "Оттин тоқ". Телевизион ўйин.  
2. "Нохот половон". Мультифильм.  
16.50 "Ҳамон айзма" 1-қисм.  
17.15 "Ҳамон айзма" 2-қисм.  
17.35 "Тоғир ва Зухра". Бадий фильм.  
19.10 "Одунлар оғунида".  
19.20 Дунё иқлими.  
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.  
19.30 "Таҳлинома" (рус тилида)  
20.05 "50/50". Тоқ-шоу.  
20.30 Дунё иқлими.  
21.00 "Таҳлинома".  
21.50 "Кўча оҳанглар".  
22.10 "Заковат".  
23.10 "Худай ота-болалек". Бадий фильм.  
00.30-00.40 Тунги наволар.  
"Uzbekistan".  
00.40 Кўрсатувлар дастури.  
00.50 "Маргилон-2000".  
00.55 Дунё иқлими.  
01.00 "Таҳлинома". Информацион дастур (рус)  
01.30 Оттин мерос.  
01.40 "Оттин тоқ". Телевизион ўйин.  
02.15 "Халқ ўйинлари".  
02.35 "Заковат".  
03.35 "Кўча оҳанглар".  
03.55 Дунё иқлими.  
04.00 "Таҳлинома". Информацион дастур.  
04.45 Миллий кино: "Дока румолидин хуриши". 2-қисм.  
05.50-5.55 Тонти наволар.



6.55 Дастурнинг очилиши.  
7.00 "Б" операцияси ёки Шуркининг саргузаштлари". Кинокомедия.  
8.30 "Болалар давраси".  
9.00 "Якшанба нонушгани".  
9.20 "Зедат". Серия.  
10.00 "ВАТАНПАРВАР".  
11.00 "Joomla".  
11.20 "Дунё таомлари".  
11.40 "Радионав кўрсатми".  
11.55 "ТВ-аниме".  
12.00 Таштис тухфаси: "Фантомас талвасас".  
13.45 "Сайпат усталари". Гаин Аъзамов.  
14.40 "Оттин девор". Телеспектакл.  
16.20 "Чемпион сирлари".  
16.40 "Ринг қирралари".  
17.30 "Махлуқлар ширкати". Мультифильм.

18.50 "Болалар табасуми".  
18.55 "Иқлим".  
19.00 "Длар қадга ичмас".  
19.30 "Ёшлик наволари".  
19.50 "Сехан қўлар".  
20.20 "Нода" муқофот соариндори Шарофиддин Муродов кутлайди.  
20.50 "Эълолар".  
21.00 "KINOMANIYA".  
21.30 Жаҳон киноси: "Афсунгар".  
23.40 - 23.50 "Таксин".



7.25 Кўрсатувлар тартиби.  
7.30 "Салом, Тошкент".  
8.35 "Гавдалупе". Телесериал.  
9.15 "Телекурер - маркет".  
9.35 "Афина".  
9.50 "ТВ юрист".  
9.55 Кино: "Гаройиб бола".  
11.15 "Интервью".  
11.25 "Истеълод".  
11.45 "Телекурер-маркет".  
12.05 Мультифильм: "Кираол Шер - 2".  
13.25 "Музыка SMS".  
13.50 "ТВ юрист".  
13.55 Кино: "Если свекровь монстр".  
15.30 "Саруаштанлар орози".  
16.00 Дини летихи каникула: "Спокурт Лигта 2".  
17.10 "Телекурер - маркет".  
17.30 Кино: "Свети фазоли".  
18.05 "Мулоқадз учун мавзу".  
19.35 "Жойлаб".  
20.00 "Турғим ҳақида" /рус/.  
20.35 Воскресный кинозал: "Запах женщины".  
23.05 - 23.10 "Хайрат тун, шаҳрим".




7.30 "Хабарлар" (9:30 тилида)  
7.50 "Болроқ утрос".  
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)  
9.10 "Смак".  
9.55 "Кувнок старлар".  
10.35 "Радиобингга грессмейстр".  
10.55 "Спорт клуб".  
11.05 Теннис. Франция очик чемпионати.  
12.05 "Аптека слушает".  
12.55 "Королева бенгоалонки". Х/ф.  
14.25 - 15.15 ПрофРИНГ.  
\*\*\*  
18.00 Мультифильм.  
18.10 "Халқ ўйинлари".  
18.30 "Верени".  
19.00 "Спорт уик-энд".  
19.40 "Тайм-аут".  
20.00 "Ровесник".  
20.20 "Дув-дув гап". Шоу дастури.  
21.30 "Тайди". Информацион-таҳлилий кўрсатув. \*\*  
22.00 Дела сердечные "Идеальный мужчина". Х/ф.  
23.35 Футбол. Узбекистон чемпионати "Трактор" - "Машгала".  
00.25 Тунинги осула бўлсин!




5.00-9.00 Новости.  
5.10 Комедия "Барышня-крестянка".  
7.20 "Играй, гармонь любимая!".  
8.00 "Заровые".  
8.40 "Слово пастыря".  
9.10 "Смак".  
9.55 Зачем пережила тебя любовь моя...  
11.00 (с субтитрами).  
11.15 Премьера. "Гангибал".  
12.55 Комедия "Королева бенгоалонки".


лонки".  
14.25 Воскресный "Ералаш".  
15.00 Футбол. Чемпи России "Спартак" - "Спартак - Нальчик".  
17.00 Вечерние (с субтитрами).  
17.25 Тото Кутуйно в кругу друзей".  
20.00 Время.  
20.20 Суперфинал. "Король ринга".  
22.30 "Высшая лига".  
23.50 Х/ф "Медальон".  
1.25 Х/ф "Ни жив ни мертв".  
3.10 "Хрустальный мальчик".  
Док.фильм.  
3.40 Серилал "Инстинкт убийцы".



05.00 Х/ф "Журавушка".  
06.30 "Сельский час".  
07.10, 10.10 "Местное время. Вести - Москва".  
07.20 "Диалог о животных".  
07.55 М/ф "Пластинчатая ворона".  
08.05 "Вокруг света".  
09.05 "Сам себе режиссер".  
10.00, 13.00 "Вести".  
10.20 "Городок".  
10.50 "Сто к одному".  
11.45 "Смелопанорама".  
12.15 "Парламентский час".  
13.20 "Отгилья №136".  
14.05 "Вести. Дежурная часть".  
14.35 "Честный детектив".  
15.05 Х/ф "Чуаеа в Ретенове".  
17.10 Концерт "Измайловский парк".  
19.00 "Вести недели".  
20.00 Х/ф "Охота на пираний".  
23.20 Комедия "Дом Большой Мамочки".  
01.20 Триллер "Спуск".




04.20 Комедия "Берегите женщин".  
06.30 М/ф "Русалочка".  
07.00,09.00,12.00,15.00 "Сегодана".  
07.15 Лотерея "Русское лото".  
07.40 "Диксий мир".  
08.05 "Славянский рейс".  
09.20 "Едем дома".  
09.55 "Их нравы".  
10.30 "Авиаторы".  
11.05 "Тор gear".  
11.40 "Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю".  
12.25 "Москва-Ялта-трансит". Фестиваль юмора.  
14.25 Д/с "Победитель смерти".  
15.20 "Один день. Новая версия".  
16.00 "Своя игра".  
16.55 Т/с "Коллекция чести 2".  
18.00 "Сегодана. Итоговая программа".  
18.50 "Чрезвычайное признание".  
19.20 "Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю".  
19.55 "Главный герой".  
21.00 "Воскресный вечер с В. Соловьевым".  
22.05 Х/ф "Рим".  
00.15 Боевик "Робот-полицейский 3".  
02.20 "Криминальная Россия".  
03.15 Х/ф "Могучий ветер".




05.30 Канал "Европояк".  
09.10 "Калчуло".  
09.40 Х/ф "Играйте, музыканты".  
11.35 "Легенды мирового кино". Д. Гарленд.


12.05 "Музыкальный класс".  
12.20,17.05,00.30 М/ф.  
13.20 Д/с "Животные как мы".  
14.25 "Мемы и реалии научных познаний".  
14.50 "Эпизоды". С. Маковецкий.  
15.30 Х/ф "Микарон".  
17.25 "Его Величество Конференция".  
18.10 Закриятие II фестиваля симфонических оркестров мира.  
21.00 Д/ф "Исчезнувший флот Хубилай-хана".  
21.55 Х/ф "Концерт на улице счастья".  
23.45 Д/ф "Замок в Мальборке. Мариенбург. Резиденция теутоного ордена".  
00.00 "Русские в Севре".  
00.55 Д/с "Животные как мы".



07.00 Х/ф "Юный лорд Фонтлерой".  
08.40 М/ф.  
08.55,09.20,09.30,10.30 М/с.  
10.00 Улица Сезам.  
11.00 Х/ф "Маллен".  
13.00 Х/ф "Идаеен в шкафу".  
13.00 "Снимите это немедленно".  
16.00 "Славянский переполох".  
17.45 Т/с "Надежда уходит послепев".  
22.00 Х/ф "Пришельцы испеши".  
00.00 "Хорошие шутки".  
02.00 "Кинотар" в деталях.  
02.55 Х/ф "Изоляция".  
04.30 Х/ф "Соединенные Штаты Лиландия".



07.00,08.00 М/ф.  
07.30 Жизнь, полная радости.  
10.00 Х/ф "Добро пожаловать, или Посторонний вход воспрещен".  
11.30 Х/ф "Узник замка Иф".  
16.45 Х/ф "Аввиптия".  
19.00 Киномания.  
20.00 Х/ф "Дикие коты".  
22.15 Х/ф "Смеситель".  
00.00 Т/с "Сумеречная зона".  
01.00 Х/ф "Что скрывает Лох-Несс".  
03.00 Х/ф "Восставшие из мертвых".



06.00,12.00,12.30 М/с.  
08.05,20.00,22.55,00.45 "Дом 2".  
09.00 "Школа ремонта". "Дом в облаках".  
10.00 Звезды против караоке.  
11.00 Т/с "Зачем вы, девочки?".  
11.30 Кулинарный вояер.  
13.00 "Битва экстрасенсов".  
14.00 Комедия "Поллинейская академия 3".  
15.40 Т/с "Сапа + Маша".  
17.00 "Cosmopolitan. Видеоверсия".  
18.00 "Такси" в Питере.  
18.30 "Женская лига".  
19.00 "Необыкновенно, но факт" - "Отпы на лодыжи".  
21.00 "Комеди Клаб".  
22.00 "Наша Russia".  
23.25 Правила сьемки.  
01.40 Комедия "Сестрички Я-Я".

## TV-Марказ

## Душанба

07.00 "Премьера" (узб)  
07.30,09.00,10.50,14.00,  
16.30,17.40,21.00 Узбек наволари  
08.00 "Премьера" (рус)  
08.30 "Сайлтоҳ"  
08.45,13.00,15.45,20.40 Мировые хиты  
10.00 "Сунмас орзулар"  
11.00 "Призрачный гонщик" худ.фильм  
13.30 "Миссия неповторима"  
15.00 Телениня  
17.00 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
18.00 "Премьера" (узб)  
18.30 "Кулинар фантазиялари"  
19.00 "Премьера" (рус)  
19.30 Серил "ВА-БАНК"  
5-серия  
22.00 Комедия по понедельникам  
"ПОЛИЦЕЙСКИЙ ИЗ БЕВЕРЛИ-ХИЛЗ" худ.фильм  
00.00 Миксер

## Сешанба

07.00,10.40,13.30,14.30,  
16.15,17.45,18.10,20.25,21.30  
Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (узб)  
08.10,14.10,15.45 Мировые хиты  
09.00 Серил "Ва-банк"  
5-серия  
10.10 "Премьера" (узб)  
11.00 "Полицейский из Беверли Хилз" худ.фильм  
13.00 "Юдули пайшанба"  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Телениня

17.00 "Топ-20"  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
19.00 Серил "ВА-БАНК"  
6-серия  
20.10 "Сайлтоҳ"  
21.00 "Великопелная семёрка"  
22.00 "ВСПОМНИТЬ ВСЁ"  
худ.фильм  
00.00 Миксер

## Чоршанба

07.00,08.50,10.30,13.00,  
14.10,17.00,20.10,21.30 Узбек наволари  
07.30 "Премьера" (рус)  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
09.00 Серил "Ва-банк"  
6-серия  
10.10,15.45,16.15 Мировые хиты  
11.00 "Вспомнить всё" худ.фильм  
14.00 Марказ NEWS (узб)  
15.00 Телениня  
16.00 "Сайлтоҳ"  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.10 "Кулинар фантазиялари"  
18.40 Узбек наволари  
19.00 Серил "ВА-БАНК"  
7-серия  
21.00 "Миссия неповторима"  
22.00 Киноколлекция "КЛЕОПАТРА" 1-серия  
00.20 Миксер

## Пайшанба

07.00,10.10,13.20,14.30, 16.00,20.30  
Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (узб)  
08.10 "Сайлтоҳ"

08.25,14.10,15.45,17.30,18.10  
Мировые хиты  
09.00 Серил "Ва-банк"  
7-серия  
11.00 "Клеопатра" худ.фильм  
1-серия  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Телениня  
17.00 "Великопелная семёрка"  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
19.00 Серил "ВА-БАНК"  
8-серия  
20.10 "Махсус репортаж"  
21.00 "Юдули пайшанба"  
21.30 "Премьера" (узб)  
22.00 Киноколлекция "КЛЕОПАТРА" 2-серия  
00.20 Миксер

## Жума

07.00,10.10,13.20,14.30,  
16.30,18.10,19.00,20.50 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 "Топ-20"  
09.00 Серил "Ва-банк"  
8-серия  
11.00 "Клеопатра" худ.фильм 2-серия  
14.00 Марказ NEWS (узб)  
14.10,15.45,18.45 Мировые хиты  
15.00 Телениня  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.30 "Сайлтоҳ"  
20.00 "Сунмас орзулар"  
21.00 "Кинокурьер"  
21.30 "Премьера" (рус)  
22.00 "ПРИНЦЕССА СПЕЦИЙ" худ.фильм  
23.45 Миксер

## Шанба

07.00, 08.10,10.15,13.30,  
17.20,18.10,19.30,21.40 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (узб)  
09.00,12.45,14.30,16.20 Мировые хиты  
09.30 "Кинокурьер"  
10.00 "Сайлтоҳ"  
11.00 "Принцесса специй" бадий фильм  
14.00 "Премьера" (узб)  
15.00 Телениня  
17.40 "Махсус репортаж"  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.30 "Алло-Марказ"  
21.00 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
22.00 "КАРИБ ДЕНГИЗИНИНГ КАРОҚЧИЛАРИ-2" б/ф.  
00.30 Миксер

## Якшанба

07.00,08.30,10.50,14.30,  
16.20,17.00,18.10,19.00 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10,18.45, 21.45 Мировые хиты  
10.00 "Сунмас орзулар"  
11.00 "Кариб денгизининг кароқчилари-2" бадий фильм  
15.00 Телениня  
16.30 "Премьера" (рус)  
17.30 "Юдули пайшанба"  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.30 "Сайлтоҳ"  
20.00 "Алло-Марказ"  
21.00 "Топ-20"  
22.00 "ЭРАГОН" худ.фильм  
23.45 Миксер

## RTR SPORT

## Душанба

05.55 Футбол. ЧЕ - 2008. Общественный турнир. Македония - Израиль.  
08.00,10.00,13.55,18.30,22.00,01.30 "Вести-спорт"  
08.10 "Летомская спорта"  
08.45 Пляжный волейбол. Этап ЧЕ.  
10.10 "Вести-спорт. Местное время"  
10.15 Волейбол. Мировая лига.  
Мужчины. Куба - Россия.  
12.15 Академическая гребля. Кубок мира - 2007.  
14.00 Синхронное плавание. Кубок Европы. Комбинация. Финал.  
15.05,20.05,23.20,02.45 Теннис. Отк.ч.м.п. Франция.  
18.30 Проф.бок. Адамтон Де Хесус-Маркос Рамирес.  
22.15 "Неделя спорта"  
01.35 Автоспорт. ЧМ по ралли.

## Сешанба

06.00,15.05,18.40,22.15,01.40 Теннис. Отк.ч.м.п. Франция.  
08.00,10.00,13.55,18.30,22.00,01.35 "Вести-спорт"  
08.10 "Неделя спорта"  
09.15 "Рыбалка с Радзиевским".  
09.25 "Самый сильный человек".  
10.10 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Куба - Россия.  
12.20 Академическая гребля. Кубок мира - 2007.  
14.00 "Неделя спорта"  
17.55 "Скоростной участок".  
01.00 "Скоростной участок".

## Чоршанба

06.00,14.05,18.40 Теннис. Отк.ч.м.п. Франция.  
08.00,10.00,13.55,18.30,22.00,01.25 "Вести-спорт"  
08.10 "Путь Дракона".  
08.45 "Скоростной участок".  
08.45 Пляжный волейбол. Этап ЧЕ.  
10.10 Синхронное плавание. Кубок Европы.  
11.50 Футбол. ЧЕ - 2008. Общественный турнир. Франция - Украина.  
13.00 "Путь Дракона".  
22.50 "Самый сильный человек".  
23.20 Футбол. ЧЕ - 2008. Общественный турнир. Эстония - Англия.  
01.30 Футбол. ЧЕ - 2008. Общественный турнир. Литва - Италия.

## Пайшанба

06.00,14.05,21.55,01.45 Теннис. Отк.ч.м.п. Франция.  
08.00,10.00,13.55,18.30,21.40,01.25 "Вести-спорт"  
08.10 "Путь Дракона".  
08.45 Пляжный волейбол. Этап ЧЕ.  
10.10 Синхронное плавание. Кубок Европы.  
11.50 Футбол. ЧЕ - 2008. Общественный турнир. Эстония - Англия.  
18.00 "Точка отрыва".  
18.40 Футбол. ЧЕ - 2008. Общественный турнир. Хорватия - Россия.  
20.45 Стрельба. Чемпионат России.  
00.50 "Точка отрыва".  
01.30 "Рыбалка с Радзиевским".  
04.23 Академическая гребля. Кубок

## Жума

06.00,14.00,17.10,01.25 Теннис. Отк.ч.м.п. Франция.  
08.00,10.00,13.55,17.00,21.35,01.20 "Вести-спорт"  
08.10 "Точка отрыва".  
08.45 Пляжный волейбол. Этап ЧЕ. Финал.  
10.10 Синхронное плавание. Кубок Европы.  
11.50 Футбол. ЧЕ - 2008. Общественный турнир. Литва - Италия.  
15.25 Стрельба. Чемпионат России.  
16.10 "Рыбалка с Радзиевским".  
16.25 "Футбол России. Переда туром".  
21.50 "Вести-спорт. Местное время".  
22.00 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Египет - Россия.  
23.55 Стрельба. Чемпионат России.  
00.45 "Футбол России. Переда туром".

## Шанба

06.00,15.00,04.40 Теннис. Отк.ч.м.п. Франция.  
08.00,10.00,13.55,17.10,20.35,00.35 "Вести-спорт"  
08.15 "Сборная России". Тамерлан Тиенов.  
08.50 Автоспорт. ЧМ по ралли.  
10.10 "Вести-спорт. Местное время".  
13.20 "Футбол России. Переда туром".  
14.00 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Египет - Россия.  
15.35,17.15 Стрельба. Чемпионат

## Росси.

17.55 Легкая атлетика. "Мемориал братьев Знаменских".  
20.50 "Вести-спорт. Местное время".  
23.15 Проф.бок. Жан Паскаль - Руфина Уильямс.

## Якшанба

06.25,08.10,15.20 Теннис. Отк.ч.м.п. Франция.  
08.00,10.00,13.55,17.50,21.35,00.50 "Вести-спорт"  
10.10 "Вести-спорт. Местное время".  
10.45 "Страна спортсменов".  
10.45 Стрельба из лука. Кубок мира.  
11.15 "Сборная России". Илья Ковальчук.  
11.50 Футбол. Премьер-лига. "Луч-Энергия" - ЦСКА.  
14.00 Проф.бок. Жан Паскаль - Руфина Уильямс.  
16.25,23.55 Стрельба. Чемпионат России.  
17.15 "Самый сильный человек". ЧМ по саломоу экстриму. Финал.  
18.05 Мужчины. Финал.  
21.50 "Вести-спорт. Местное время".  
22.00 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Египет - Россия.  
01.00 Футбол. Премьер-лига. "Динамо" - "Сатурн".  
03.00 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Япония - Италия.

ТВ-дастурулар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

(Охири. Аввали ўтган сонларда.)

## КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

Защита от автоматических регистраций

а) Введите шестизначное число, которое вы видите на картинке: - бу қаторда биз қўриб турган расмдаги олтита сонни ёзамиз.

б.  белгиси устида бир марта «сичқонча»нинг чап тугмачасини босамиз ва натижада E-mailимиз Регистрация қилинади (рўйхатга олинади, яратилади).

### Хат жўнатиш тартиби

Энди шу яратган E-mailимиздан хат жўнатамиз ва қабул қиламиз, бунинг учун:

1. "Адрес" сатрига [www.mail.ru](http://www.mail.ru) манзилни ёзамиз ва у сайт қуйидаги кўринишда бўлади:



2. Очилган ойнанинг чап томонида "Почта" деган жой бор, у қуйидаги кўринишда бўлади:




37


4.  белгисини "сичқонча"нинг чап тугмачаси орқали бир марта босамиз. Натижада хатимиз [bahrom2005@list.ru](mailto:bahrom2005@list.ru) манзилига кетади.

### Хатларни ўқиш

Электрон почтаимизга келган хатларни қўриб чиқмоқчи бўлсак, **ВХОДЯЩИЕ** белгисига "сичқонча"нинг чап тугмачасини бир марта босамиз ва натижада келган хатлар рўйхати чиқади. У қуйидагича бўлади:



Масалан, биз "Администрация mail.ru"дан келган хатни ўқиб кўрмоқчимиз. Бунинг учун "Администрация mail.ru" ёрлиги устида "сичқонча"нинг чап тугмачасини бир марта босамиз. Ойна қуйидаги кўринишга ўзгаради:




Шу ойнанинг пастиди хат матни кўринади. Шу билан хатни қабул қилган бўламиз.

### Хужжат, расм ва турли файлларни жўнатиш

Хужжат, график, аудио ва видео файлларни хатга илова қилиш мумкин. Турли хужжатлар, жадваллар, расм ёки шунга ўхшаш маълумотлар илова ёрдамида жўнатилади. Хужжатни тайёр форматда жўнатган маъқул.

39

3.  белгисига "сичқонча"нинг чап тугмачасини бир марта босамиз ва паролимизни киритамиз. Сўнгра  белгисига "сичқонча"нинг чап тугмачасини бир марта босамиз ва ойна ўзгаради:




Энди бирор танишимизга хат ёзиш тартибини келтирамиз. Аввал  белгисига бир марта "сичқонча"нинг чап тугмачасини босамиз. Ойна ўзгаради:

"**Кому**" деган қаторга хатни кимга юбораётганлигимизни (E-mailини) ёзамиз;

"**Тема**" деган қаторга хатнинг мавзуси ёзилади.

Пастроқда хат ёзиш учун жой бор, у ерга хат ёзамиз:


Масалан: Salom, Bahrom, qalaysan, u yerda ob-havo qanaqa? Yangi yiling bilan tabriklayman. Biznikiga kel!!! Menga xat yubor.




38

Масалан, хужжатлар Word, Excel ёки Power Pointда тайёрланиши мумкин. Мисол тариқасида хужжатни хатга илова қилиб жўнатайлик. Бунинг учун қуйидаги амаллар бажарилади:

1. Хатни ёзиб, ташкил этинг.
2. Унда манзил ва мавзунини кўрсатинг.
3. Сўнг хатга хужжатни илова қилиш учун хат ёзиш ойнасининг пастидидаги **Browse...** белгисига "сичқонча"нинг чап тугмачасини бир марта босилади.



4. Кичик ойна пайдо бўлади. Хатга илова қилмоқчи бўлган хужжатимизни танлаб,  ни босамиз. Натижада танлаган хужжатимиз юбормоқчи бўлган хатимизга илова қилинади. Хатни юбориш учун ни босамиз:



Кўпчилик Интернетдан фақатгина янгиликлар билан танишиш, маълумот кидириш, электрон почта жўнатиш мақсадларида фойдаланиш мумкин деб ўйлайди. Ваҳоланки, Интернет ёрдамида қуйидаги хизматлардан ҳам фойдаланиш мумкин:

- ◆ масофадан ўқитиш;
  - ◆ электрон кутубхоналар;
  - ◆ телемедицина;
  - ◆ телеметрология;
  - ◆ электрон тадбиркорлик;
  - ◆ электрон дўконлар ва ҳоказо.
- ШУ БИЛАН "ИНТЕРНЕТ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДАН ФОЙДАЛАНИШ" ДАСТУРИ БЎЙИЧА МАШҒУЛОТЛАР ТУГАДИ.

40

**Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида аниқ мақсадли маданий-маърифий тадбирлар орқали аҳоли ўртасида адабий-бадний ва илмий билимларни тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда.**

— Ҳар бир ходимимизнинг алоҳида имкониятлари, ижодий изланиш ва фаолияти аниқ шундай мақсадли тадбирлар уюштиришда кўзга ташланади, — дейди ахборот-кутубхона маркази директорининг ўринбосари Гулнораҳон Исмоилова.

# Тадбирларда ҳаёт нафаси

Ҳақиқатан ҳам, кутубхоначилар китобхонлар билан юзма-юз мулоқотларда, учрашув ва адабий-бадний кечаларда замондошлари ўзларидан нималарни кутишга тганини, қандай ахборотлар етказилишига муштоқ эканини ҳис эта борадилар.

Ахборот-кутубхона марказида А.Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда иштирокчилар нафақат Андижон давлат университети "Ўзбек адабиёти" кафедраси профессор-ўқитувчиларининг илмий изланишлари хусусида, балки талабаларнинг ҳам ижодий кузатишларидан бохабар бўлдилар. Универ-

ситетнинг 2-босқич талабалари — Гулида Азимова "Ўтмишдан эртаклар" асарининг жанр хусусиятлари, Умида Жабборовна "Абдулла Қаҳҳор ва Жек Лондон", Сарвар Раҳимов "Айб кимда" ҳикоясида айб кимда? каби илмий маърузалари билан тингловчиларни ҳайратга солдилар. Энг ёш таҳлилчи, университет қошидаги 3-Академик лицей ўқувчиси Фароғатхон Дадажоновна Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романида рухий таҳлил мавзусидаги маърузаси билан иштирокчи эътибор олишди. Бир сўз билан айтганда, анжуманда юртдошларимизнинг А.Қаҳҳор юбилейининг нишонлашига

алоҳида эътибор билан қарар ёлганликлари аён бўлди.

Кутубхонада Бутунжаҳон оила куни муносабати билан ўтказилган "Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт гарови" мавзудидаги давра суҳбати ҳам унутилмас тадбирлар қаторидан жой олди. Давра суҳбатига Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш Андижон шаҳар бўлими ходими Шарофатхон Мадрохимов, "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят таянч пункти мутахассиси Райҳона Якубова, Андижон шаҳридаги "Кенгаш" ва "Гулистон" маҳаллалари фуқаролари, талабалар, ўқувчилар таклиф қилинди.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар оила ва жамият, оилада ҳуқуқий муносабатлар, оиладаги муҳитни соғломлаштириш хусусида ва бошқа кўплаб ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Улар Ахборот-кутубхона марказининг фаолиятидан мамнун эканликларини алоҳида эътироф этиб, бундай тадбирлар бевосита маҳаллаларда ҳам янада кўпроқ ўтказилиши зарурлигини таъкидлашди.

Зиё масканига аса бундай таклиф аниқ муқаддас. Энди маҳалла ва ўқув масканларида, жойларда китобсеварлар билан очиқ мулоқотлар, учрашув ҳамда бошқа мақсадли тадбирларни ўтказиш анъана тусини олади.

**Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,**  
**«Xabar»нинг Андижон вилоятидаги муҳбири**

## ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!

**Лицензияланган таълим ўҚИШГА МАРҲАМАТ!!!**  
Бизнинг мақсадимиз — давр талабидоғи сифатли кадрлар тайёрлаш!  
«Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!»

### «ЭФФЕКТ - МОЛИЯ»

**Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёти билан замонавий мутахассислар тайёрловчи куйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:**


**I. Молия-иқтисод ва бошқарув бўлими:**  
(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)  
— **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойда — 30 минг сўм (нолдан балансгача, компьютер, Internet, 1С бухгалтерия программаси).  
— **1С бухгалтерия программаси** — 1 ой, тезкор — 8 кун. 60 минг сўм. Якка тартибда.  
— **1С бухгалтерия программасини ўрнатish хизмати** — шартнома асосида.  
— **Ўрта ва кичик бизнес раҳбари** — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойда 30 минг сўм (компьютер, бухгалтерия, меҳнат қончилиги, бошқарув тактикаси).  
**Банк иши (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия)** — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойда 30 минг сўм.  
— **Кадрлар иши** — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойда 30 минг сўм (компьютер, Internet, меҳнат қончилиги).  
— **Секретарь-референт** — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойда — 30 минг сўм, (компьютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

**II. Компьютер технологиялари бўлими:**  
(фақат якка тартибда)  
— **Компьютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати — 2 ой, тезкор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ойда — 15 минг сўм.  
— **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 кун, 15 минг сўм.  
— **Photoshop, CorelDraw, 3D Max, AUTO CAD, FlashMX, PageMaker**, (видеомонтаж) Adobeprimier дастури. 1 ой. 35 — 50 минг сўмдан.  
— **WEB сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ойда — 50 минг сўм.  
— **Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатish** — 1 ой, 40 минг сўм.  
— **Компьютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** — 1 ой, 40 минг сўм.  
— **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI)** — 3 ой, 1 ойда — 60 минг сўм.  
— **SQL(Server) маълумотлар базаси бошқаруви** — 2 ой, 1 ойда — 60 минг сўм.  
— **Уяли телефонни ўрнатish** — 3 ой, 1 ойда — 100 минг сўм.  
— **Программаларни ташриш, компьютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга музыка, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва керокс хизматлари.**

**III. Тилларни мукамал ўрганиш бўлими:**  
(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)  
— **Ўқитиш вақтини ўзингиз белгиласиз.** Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқитиш учун **фақат паспорт ёки тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома** талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра лицензияланган диплом берилади.  
**Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш куни — яқшанба. **Ётоқхона** — 1 ойда 25000 сўм.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, А.Темурутқаси, 84-уй, «Козогистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115)  
**Келиш йўли:** метронинг Минор, автобусларнинг «Козогистон» кинотеатри бекати.  
Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.

**30 йилдан ортиқ касб-ҳунар!!!**  
Лицензия № ASUZ 00192200TT0002-05

## «ТАТУ»НИНГ ҚУВНОҚЛАРУ ЗУККОЛАРИ



ТАТУ Фаргона филиалининг «ТАТУ» жамоаси «Қувноқлар ва зуққолар» танловининг яримфинал беллашуварларида республиканинг номдор жамоалари — Ўзбекистон Миллий университетининг «Шоввозлар», Тошкент давлат техника университетининг «Мухандис», Тошкент энгил санот ва тўқимачилик институтининг «Дизайн» жамоалари билан куч сынашди.

Фаргоналиклар учун яримфинал беллашуви том маънода сабоқ вазифини ўтади. Илк маротаба иштирок этишларига қарамастан «ТАТУ» аъзолари «Туркистон» саройида йиғилганларда ижобий таассурот қолдирдилар. Чунки ўтган йилги чемпион — «Шоввозлар» синовидан муваффақиятли ўтиш осон бўлмади.

«ТАТУ» жамоасининг бундай ютуқларга эришишида университет раҳбарияти, қолаверса, республикаимизнинг қучли жамоаларидан бири бўлган Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Д.Д.Д.» жамоаси яқиндан ёрдам берди ва қўллаб-қувватлади.

Фаргона филиалида водийнинг уч вилоятдан талабалар таҳсил оладилар. Бу ерда иқтидорли талабаларни излаб топшиш ва улар билан ишлаш бўйича маълум тажриба тўпланган. «ТАТУ» жамоасининг аъзолари аксарият аълочи талабалар бўлиб, ҳар бир кишининг сценарийсини ўзлари тайёрлашган. Шунинг учун ҳам барча шартларда талабалар ҳаётига оид кизикарли воқеа ва ҳодисалар, муаммолар қамраб олинган. Улар ёшларда катта кизиктиш уйғотганлиги беҳиж эмас.

Яна бир гап. Водий ўқув юртилари ўртасида «Қувноқлар ва зуққолар» беллашуви негача ўз ўрнини топа олмаяпти. Республика ташкилий қўмитаси бу масалани жиддий ўрганган, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда чоратадбирлар белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Юмор ва хандалар беллашувларнинг янада сермазмун ва кизикарли ўтишига асос бўлишига ишонамиз.

**Зарина ЭРМАТОВА,**  
**ТАТУ Фаргона филиали 3-босқич талабаси, «ТАТУ» аъзоси**





# Жинлар билан санлашманг!...

Ҳажвия

Баҳайбат бино олдига "Нексия" келиб тўхтади. Ундан ўша баҳайбат бинонинг каттаси Текинжон Ҳайбатов тушиб келди. Қулоқ оғриганида қариялар эски дўшини қиздириб қулоғига босишади. Унинг қулоғига қадаб олган уяли алоқа телефони ўша эски дўшини эслатарди.

— Мен идорадаман... — деди баланд овозда, — а?... Ха, мен — Текинжон Ҳайбатовман!..

Бинога кириладиган зинапояда кутиб турган йигит унга пешвоз юрди:

— Ассалому алайкум!

Ҳайбатов унга кўлининг учини узатди:

— Нима хизмат?

— Мен шикоят юзасидан келувдим...

Текинжон Ҳайбатов тўсатдан "эски дўппи"ни қулоққа босди:

— Ха-ха, эшитаман!.. Ким?... А?!..

Бино рўпарасидаги гулзорга қараб юрди. Гапир-гапира гулзорнинг ўртасидан кесиб ўтди... Ортига қайтди. Атрофидан айланиб юриб гапирди. Ва...

Тоқати ток бўлган йигит ҳам ёнидан уяли телефонини олиб рақам терди. Қулоғига тутиб турди-да, Ҳайбатов ёнига югуриб борди:

— Сизни чақиряпти!

У ҳайрон бўлиб, йигит узатган телефонни олди:

— Эшитаман?... И-и, .. "Пули тўланмагани учун ўчириб қўйилган", — деяпти-ку?!

— Бўпти-да! — деди йигит қувончдан кўзлари яшнаб, — ахир мен сизнинг қўл телефонингизга уландим-да?!

— Қайси қўл телефонимга? — тушунолмасди Ҳайбатов.

— Сиз "гаплашаётган" телефонга-да. Телефонингиз узиб қўйилганига бир ой бўлган-ку, сиз ким билан гаплашасиз?

Текинжон Ҳайбатовнинг жаҳли чиқди:


— Сен қаёқдан биласан узиб қўйилганини, а? Кимни аҳмоқ қилисан!..

— Мен шу уяли телефон алоқаси компаниясининг вакилиман. Одамлар шикоят қилиб, "Бошлигимиз ухласаям сотқасини қулоғидан олмай ётади. Мундоқ одамга ўшаб гаплашолмайпмиз. Илтимос, телефонини тармоқдан узиб туринглар. Ишимизни битириб олайлик", деб ёзишган. Биз уларга "Бу абонент пулини тўламагани учун алоқа тармоғидан узиб қўйилганига бир ой бўлди", десак ҳам ишонилмайпти. Компаниямиз шикоятни жойида ўрганиш учун мени хизмат сафарига юборди...

Текинжон Ҳайбатовнинг ялтираган тепакал бошидан буғ кўтарилди бошлади. Шундоғам мойдай йилтираб турган ёноқлари анор тусига кирди.

— Аввал пулини тўлаб, уланиб олинг, — деди вакил йигит унга ачиниб қараркан, — ўшанда жинлар билан гаплашиб юрмайсиз...

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ



## "НИКОН" КРОССВОРДИ

ЭНИГА:

10. Шиша идиш.
11. Япониядаги шаҳар.
12. Узоқ Шарқ дарёси.
13. Шахмат сипохи.
14. "Canon", "Nikon", "Zenit" — ...
15. Шохлар қошонаси.
18. Тўқсон икки уруғдан ташкил топган миллат.
19. Ранг.
20. Ўрта Ер денгизидagi орол-давлат.
22. О.Асомов ва М.Чакра-борти иштирокидаги филми.
24. Эстонияда жойлашган шаҳар.
25. Бу давлат қирғоқларини Араб денгизи сувлари ювиб туради.
26. Форслар ва арабларнинг машҳур миллий хунармандчилик маҳсулоти.
27. Харита тури.
28. Ёг олинadиган ўсимлик.
30. Х.Тўхтабоевнинг "Ширин қовунлар мамлакати"га саёҳат қилган қаҳрамони.
37. Мис.
38. Россиянинг гарбий вилояти.
39. Тоза, соф; ҳақиқий.
42. Эшик ва деразалардаги рангдор ойна.
43. Кизлар исми.
44. Арз, даъво.

БЎЙИГА:

1. Қулайлик, енгиллик.
2. Тутун, қурум.
3. Меш.
4. Дастурлаш тили.
5. "Чинор тағидаги дуэл" филмидаги образ.
6. 2006 йили Осие ўйинларига мезбонлик қилган давлат.
7. Мўғулистон парламенти.
8. От.
9. Арманистон тоғи.
16. Қайта тиклаш, таъмирлаш.
17. Тангашунослик.
21. Қариндош.
23. Саришта, покиза.
29. Қадимги Испания.
31. Аслзода, зодагон.
32. Қора танли америкаликларнинг торли мусиқа асбоби.
33. Еш санъаткорларга берилadиган давлат мукофоти.
34. Кашанданинг ҳамроҳи.
35. Қишлоқ ҳўжалигига доир.
36. Ўтган йили 2500 йиллиги нишонланган юртимиздаги шаҳар.
40. Давр.
41. Тасвир; ... -садо.

ЭНИГА:  
 10. Ампла. 11. Осака. 12. Ўсури. 13. Фил. 14. Фотоаппарат. 15. Арк. 18. Уабек. 19. Пушти. 20. Марта. 22. Шикор. 24. Нарва. 25. Уммон. 26. Гилиа. 27. Аглас. 28. Эктир. 30. Акром. 37. Жез. 38. Канининград. 39. Асл. 42. Витраж. 43. Одина. 44. Шикорт.  
 БЎЙИГА:  
 1. Илтиза. 2. Дўл. 3. Санов. 4. Кобол. 5. Ларли. 6. Катар. 7. Хурал. 8. Асп. 9. Апарат. 16. Ресгараф. 17. Нумизматика. 21. Маки. 23. Озода. 29. Иберия. 31. Оксук. 32. Банжо. 33. Нихол. 34. Чилим. 35. Аларп. 36. Карш. 40. Бра. 41. Акс.

Жавоблар

## Фойдали Маслаҳатлар

### ПОЙАБЗАЛ ва штрих



Оқ пойабзал сал нарсага қирлиб, кўринишини йўқотади. Агар ўша жойга хужжатларни тўғрилашда ишлатилadиган оқ бўёқ (штрих)дан суриса, янгидек бўлади. Сарғиш рангли пойабзални эса аввал оқ бўёқ билан, сўнг эса устидан пойабзал рангидаги бўёқ билан бўёб қўйиш мумкин.

### КўП СУВ ИЧМАС ЭКАН

Гулдасталар хоналарга кўрк бағишлаб, кўнглимизни хушнуд қилади. Улар янада узоқ туриши учун эса гулдоннинг ярмигача сув қўйиш кифоя. Агар гулдонга тўлдириб сув қўйилса, унинг банди ва барглари тез орада қириб кетар экан.



### ШАМ БИЛАН...

Мебелларнинг чангини сувда хўланган латта билан артиш мумкин эмас. Бу уларнинг кўринишини бузиб, хиралаштириб қўяди. Шунинг учун мебеллар латтани сутга ботириб, орасига чой шамаси қўйиб артилса, янгидек ярақлайди. Шам қолдиқларини кунгабоқар мойида эритиб, локланган столларнинг устидаги оқ доғлар артилса, тез кетказилади. Шам кукунини уйда тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун шамни майдалаб кесиш керак бўлади.

### БУРЧАКДА ТУРСИН

Ҳар куни фойдаланadиган музлаткичингиз қаерда туради? Агар у газ плитаси ёки иситиш батареялари билан ёнма-ён турган бўлса, дарҳол жойини ўзгартиринг. Иссиқлик таъсирида у тез ишдан чиқиси мумкин.



## SPORT


### ERKIN KURASH

#### УЧТА ОЛТИН ВА БИТТА БРОНЗА

Россиянинг Махачқалъа шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган аънъанавий халқаро турнирда дунёнинг ўн давлатидан келган 150 нафарга яқин курашчи гиламга чиқди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин ва битта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Ҳамюртларимиздан жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпиони Артур Таймазов 120 килограмм вази тоифасида беллашган полвонларнинг финал баҳсида россиялик Билол Маховни енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Вази 55 килограмм бўлган курашчилар беллашувинда жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров мезбонлар вакили Николай Старостин устидан зафар қўчган бўлса, 74 килограмм вази тоифасида грециялик Емзари Бединиди ҳамюртимиз Сослан Тигиевнинг галабасини тан олди.

Терма жамоамизнинг янги аъзоси — Сослан Дадиев эса огирлиги 84 килограмм бўлган полвонлар баҳсида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медал билан тақдирланди.



# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲҲҲҲ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲҲҲҲ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахрир тахрирдиан фарқлангани мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①  
Реклама матнларининг тўғрилик-лига тахрир тахрир янвороб эмас.

Рақам ва даллаларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет ма-териялларидан ҳам фойдаланилди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

553-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 9411 нусха.

Газета тахририят компьютер базасида терийди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Матн теруви: Дяффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкорими:  
UZINFOCOM маркази.

Босишта топширилди — 20.00.  
Босишта топширилиши вақти — 20.00.

### ШАХМАТ

#### ҲОЗИРЧА ДУРАНГ

Қолқиқия пойтахти Элиста шаҳрида жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун даввогарлик қилаётган шахматчилар ўртасида турнир старт олди. Унда 12 мамлакатдан 16 нафар гроссмейстер кураш олиб бормоқда.



Тўртта йўлланма учун кураш олиб борувчилар орасида Рустам Қосимжонов ҳам бор. Саралаш турнирининг биринчи баҳсида унга исроиллик шахматчи Борис Гелфанд рақиблик қилмоқда. Ҳозирча ушбу икки шахматчи учта учрашув ўтказди ва барча ўйинларда дуранг қайд этилди. Учтинчи тур натижалари қуйидагича:

Рустам Қосимжонов (Ўзбекистон) — Борис Гелфанд (Исроил) — 0,5:0,5 (умумий ҳисоб — 1,5:1,5).

Магнус Карлсен (Норвегия) — Левон Аронян (Арманистон) — 1:0 (1,5:1,5).

Петер Лeko (Венгрия) — Михаил Гуревич (Туркия) — 1:0 (2,5:0,5).

Урслан Пономарёв (Украина) — Сергей Рублевский (Россия) — 0:1 (1:2).

Гата Камский (АҚШ) — Этен Барко (Франция) — 1:0 (2,5:0,5).

Александр Гришук (Россия) — Владимир Малахов (Россия) — 0,5:0,5 (2:1).

Юдит Полгар (Венгрия) — Евгений Бареев (Россия) — 0,5:0,5 (1:2).

Майкл Адамс (Буёқ Британия) — Алексей Широв (Испания) — 0,5:0,5 (1,5:1,5).

### ЧЕМПИОНАТ ЯҚУНЛАНДИ

Тошкент шаҳрида эрқақлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати яқунланди.

Унда 9,5 очкoдан тўплаган халқаро спорт устаси Владимир Егин (Тошкент вилояти), пойтахтлик шахматчилар Антон Филиппов ва Тимур Гареевлар кучли учликни ташкил этиб берди. В.Егин ва А.Филиппов бта галаба ва 7та дуранг ўйнаб, бирон марта ҳам мағлуб бўлмади. Гареев эса 2та ўйинни бой берди, бироқ 3та дуранг қайд этиб, қолган 8 учрашувда ўз галабасини нишонлади.

Самарқандлик Жаҳонгир Ҳамроқуловга эса кучли учликка кириш учун бир очко етмади. Унинг ҳамшаҳарлари Алексей Барсов ва Марат Жумаевлар 7,5 очко билан 5, 6-ўринларни бўлишиб олишди. Кейинги ўринларни қуйидаги шахматчилар банд этди:

Андрей Квон (Тошкент) — 7 очко. Саидали Йўлдошев (Тошкент вилояти) — 7. Бегали Саидов (Сурхондарё вилояти) — 5,5. Иброҳим Каримов (Андижон) — 5. Вилдон Ғуломов (Наманган) — 4,5. Шухрат Сафин (Самарқанд) — 4. Сергей Қайумов (Тошкент) — 4. Александр Касян (Тошкент) — 2.

### FUTBOL


#### БЕКХЭМ ЯНА ТЕРМА ЖАМОАДА

Англия терма жамоаси бош мураббийи Стив Макларен 1 июн куни Бразилия терма жамоасига қарши кечадиган ўртоқлик учрашувини ҳамда 6 июн куни Европа чемпионати саралаш ўйинлари доирасида Эстонияга қарши кечадиган баҳсида майдонга тушадиган футболчилар рўйхатига Мадриднинг “Реал” клуби аъзоси Дэвид Бекхэмни ҳам киритди.

Бекхэм ўтган йили Германия яшил майдонларида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатидан сўнг терма жамоага қақирилмаётганлиги.

— Эстонияга қарши сафар учрашувини Дэвиддек жаҳон даражасидаги футболчи бизга ёрдам бера олади, — деди Стив Макларен. — Бу учрашув биз учун жуда ҳам муҳим.

Шунингдек, ўтган мавсумни жароҳати туфайли ўтказиб юборган “Нюкасл” ҳужумчиси Майкл Оуэн ҳам терма жамоага қақирилган.



### ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2005 йил 10 октябрдаги «Баъзи жой номларини тартибга келтириш тўғрисида»ги 509-сонли қарорига асосан, ташкилотимиз жойлашган Юнусобод тумани худудига Жаҳон Обидова кўчаси қайта номланиб, унга «Боғишамол» номи берилди.

Шу муносабат билан Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази таркибидаги «Алоқа ва тоза энергия технологиялари» шўъба корхонасининг почта манзили: 100084, Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси, 7-а уй, деб юритилишини маълум қиламиз.

ФТМТМнинг «АТЕТ» ШК маъмурияти

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилояти худудий бошқармаси жамоалари ОКСММ Сирдарё вилояти минтақавий бўлими бошлиғи

Умнат ДОНИЁРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

**● SAMARQAND SHAHRINING 2750 YILLIGI OLDIDAN**

"Биз она заминимиздаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилинаётган ҳар бир ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз қилиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмақдамиз. Токи, эрта бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойлигимиздан баҳраманда бўлсин, шу асосда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотлар авлоди эканлигини англаб етсин".



**Ю**ртбошимиз Ислom Каримовнинг ушбу сўзлари айнан кўҳна ва хамиша навқирон Самарқанд учун айтилгандек. Рухобод обидаси Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг еттинчи авлодлари — шайх Бурхониддин Алауддин Соғаржий ҳазратларига атаб XIV асрнинг 80-йилларида Соҳибқирон томонидан бунёд этилган. Бу обида истиқлол йилларига қадар кўздан пананда, қаровсиз аҳволда қолиб келаётган эди. Бугунги кунда Самарқанддаги бошқа тарихий-маданий ёдгорликлар сингари у ўзининг иккинчи умрини яшамоқда. Атрофи тоза-озода, ободонлаштирилган бу маскан зиёратчиларнинг қадамжоларидан бирига айланган. Соҳибқирон Амир Темур мақбараси Самарқанднинг фахри ҳисобланади. Бу мақбара 1403 йилда Туркиянинг Қоракхор шаҳри ёнида вафот этган тахт вориси Муҳаммад Султон учун қурилган. Манбаларда айтилишича, 29 ёшда вафот этган бу шахзодани Амир Темур ўзининг ўрига тахт вориси қилиб сайлаган. Аммо шахзоданинг бевақт ўлими Амир Темурнинг режаларини бузиб юборди. Шундан сўнг у набираси хотирасига мақбара қуришга фармон беради. Шу тариқа 1404 йилнинг кузидан июншот пойдевори қурилади. Бу вақтда Амир Темур ҳарбий юришга отланади ва 1405 йилнинг 18 февралда Утрор шаҳрида вафот этади. Амир Темур ва Муҳаммад Султоннинг жасадлари Халил Султон ҳумронлиги даврида мақбарга кўчирилиб ўтказилган. Мақбара қурилиши Мирзо Улуғбек даврида охирига ет-

тилган. Шундан сўнг мақбарага Соҳибқироннинг ўғиллари — Мироншоҳ, Шоҳруҳ, набираси Мирзо Улуғбек ва пирлари Мир Саид Барақаларнинг жасадлари дафн этилади. Ушбу маскан теуририйлар сулоласининг ҳукмдорлари дафн этилган мақбарага айланган. Тарихий манбаларда ёзилишича, XV асрда Регистон майдони ўрнида марказий бозор бўлган. Шаҳардаги барча ўйлар Регистонда туташган. У савдо-сотик кўчаси ҳам ҳисобланган. Заргарлар расаси орқали қалъа Кўхсарой, Бўстонсарой билан боғланган. Регистон майдонигадаги мейморий мажмуанинг таркиб топиши 1417 йилда ёш ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг фармонида биноан мадраса қуришдан бошланган. Мадраса 1417-1420 йилларда қурилган, унинг сатхи 81x56 бўлган. Мадраса лойиҳаси муаллифи Шоҳруҳ Мирзонинг меймори, замонасининг машҳур олими Қавмиддин Шерозий бўлиб, Хиротдаги хонлар учун қурилган аксарият мейморчилик мажмуалари ҳам унинг ижодига мансубдир. Улуғбек мадрасаси мейморчилик асари ҳам сифат нуқтаи назаридан Шарқда ана шундай биноларнинг классик намунасидир. Уша даврда Регистонда қурилган барча иншоотлардан биригина Улуғбек мадрасаси бирмунча хароба ҳолда бўлса ҳам бизнинг давримизга етиб келган. Мадраса икки қаватли бўлиб, 55 ҳужра ва тўрт бурчакда тўртта катта дарсхона ва тўрт қирра айвондан иборат бўлган. Махсус ўқиш учун белгиланган ҳужраларда икки-уч толиби илм таҳлил олган ва яшаган. Ҳар бир хона уч вази-

фани бажарган: ўқиш, яшаш ва алоҳида қисмида ўзига керакли нарсаларни сақлаш. Айвонлар ёзги дарсхона вазифасини бажарган. Фарб томондаги икки дарсхона ўртасида узунасига масжид бор. Унинг учта эшиги бўлиб, биттаси асосий, иккитаси эса дарсхоналарга ва ҳовлига олиб киради. Мирзо Улуғбек қурдирган ушбу мадраса ўз даврининг илгор, мукамал олий ўқув юрти, Шарқдаги биринчи дорилфунун ва кенг имкониятга эга бўлган илмий муассаса сифатида ҳам катта шухрат қозонди. Бутун дунёга Улуғбек академияси сифатида машҳур бўлди. Бунинг исботи сифатида европалик машҳур ёзувчи, файласуф ва тарихчи олим Волтернинг қуйидаги сўзларини келтириш киёфи: Машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, Ер курагини ўлчашни буюрди ва астрономия жадвалини тузишда иштирок этди. Мирзо Улуғбек ўз атрофига юздан зиёд олимни тўплаб, уларга ҳомилик қилган. Номи жаҳонга машҳур Самарқанд раисадхонаси ҳам академия вазифасини ўтаган. Машҳур олим музамон — Муҳаммад Хавофий, Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Муъиддин Қоший мадрасанинг мударрислари бўлган, мадрасада Улуғбекнинг ўзи ва севимили шогирди Али Қуши ҳам дарс берган. Улуғбек мадрасаси шарқ мейморчилигининг нодир ёдгорлиги, ўрта аср архитектурасининг ноёб дурдонасидир. **Абдугофур ҲОТАМОВ, «Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири**

**«O'ZALOQAKONSALTING» MCHJ**

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган субъектларга, юридик шахсларга, тadbirkorларга, раҳбар-мутахассисларга уларнинг фаолият юритишлари учун зарур бўлган республика қонунилари, қонуности ҳужжатлари, давлат, соҳа стандартлари, меъёрий ҳужжатлар рўйхатларини тайёрлаб, улар билан тез фурсатларда сифатли ва нисбатан арзон нархларда тўлиқ таъминлаб бериш имкониятига эга. Субъектлар, раҳбарлар, мутахассислар, юридик шахслар ва хусусий тadbirkorлар мурожаатлари асосида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тааллуқли саволларга жавоблар ва маслаҳатлар бериш ва уларнинг буюртмалари асосида норматив ҳужжатлар, инвестиция лойиҳаларига «Техник-иктисодий асослаш» лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тез ва сифатли экспертиза қилиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ва субъектлар фаолиятига оид ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш имкониятлари мавжудлигини билдиради. Шунингдек, «O'zaloqakonsalting» MCHJга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг АА №0001874-сонли «Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини», АА №0001875-сонли «Шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини» лойиҳалаш учун 2007 йилнинг 27 февралда лицензиялар берилган. «O'zaloqakonsalting» жамияти маҳаллий ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш учун тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқаради. Марҳамат, мурожаат қилинг, хизматингизга доим тайёрмиз!

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 137-02-26 — факс; 137-23-86 — консалтинг хизматлари; 137-13-83 —инжиниринг ишлари; 137-47-13 — қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси.  
e-mail: bikmetov@consalting.uz, www. consalting.uz

*Maotirik.uz!*

- "Фаргона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюشمаси кўмитаси жамоалари Қувалар шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Ҳамид БИБАРСОВНИ 60 ёшга, Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Маҳмуд НИЗОМИДИНОВНИ 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, оилаларига тинчлик-омонлик, фарзандлари роҳатини қўриб юришларини тилайди.
- "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамовси филиал-ходимлари Ҳафиза АШУРОВА, Саодатхон АЗИМОВА ҳамда Ҳудойберди ОЧИЛДИЕВЛАРНИ таваллуд топган кунлари билан табриқлайди ва уларга тани-соғлиқ, оилавий тинч-тотувлик тилайди.
- "Ўзи-Термиз" филиали жамовси шаҳардаги 2 ва 3-АТС бошлиқлари Исмоил ДЕДЖИМУРДОВ ва Собирхон БАДАЛЪОЕВЛАРНИ тутилган кунлари билан муборакбод этади. Уларга узок умр, ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

**ОБУНА — 2007**

**ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Хабар»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона наshr кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

**Келгуси сонларда:** XXI АСРНИНГ ЭЛЕКТРОВАБОСИ. ОЛИМЛАР БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ, УЛАРНИНГ МОБИЛ ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШИНИ ТАЪКИҚЛАШ КЕРАК, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИШМОҚДА.